

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

5/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

*Козимджан КАМИЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*

© Реклама наشري ва тижорий йўл билан
босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача
бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва
кайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» —
«Правосудие» наشري кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттес-
тация комиссияси Раёсатининг 2013 йил
30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан
докторлик диссертациялари бўйича илмий
мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйха-
тига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбу-
от ва ахборот агентлигида 0026-рақам би-
лан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа
бошлаган.

Бош муҳаррир

Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб

Муталиф СОДИҚОВ

*Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» рес-
публика танловида «Энг яхши ёритилган
ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб
деб топилган.*

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz

www: odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 22 майда рухсат этил-
ди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма
табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал
таҳририят компютерида терилди ва саҳи-
фаланди. Буюртма – 20.
Нашр адади 5700 нусха.

Навбатчи муҳаррир

Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:

*якка тартибдаги обуюначилар
учун – 908;
ташилотлар учун – 909.*

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 139,

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....2

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Д. Таджибаев. Суд-хуқук ислохотларининг янги босқичи.....7

ҚИЁСИЙ ШАРҲ

Б. Умирзаков. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг ўзига хос жиҳатлари.....11

ЖАРАЁН

Ў. Пўлатов. Маъмурий суд ишларини юритишда исботлаш ва далиллар.....15

МУНОСАБАТ

О. Мирзамахмудов. Маъмурий ҳуқукбузарлик содир этиш сабаблари.....18

ИНСОН ВА ҲУҚУҚ

О. Тургунов. Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликнинг айрим жиҳатлари....20

ҚОНУН ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

О. Нарзуллаев. Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик.....23

МУАММО ВА ЕЧИМ

А. Анорбоев, Р. Хурсанов. Кибержиноятлар хавфини бартараф этиш йўллари.....25

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Ш. Гафурова. Контрафакт товарлар айланмасига қарши кураш олиб боришнинг ҳуқуқий асослари.....28

ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ

Х. Балтаев. Қарз шартномасининг шакли ва мазмуни.....31

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

Б. Ахраров, М. Баратов. Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар жавобгарлигининг айрим жиҳатлари.....35

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВ

Ў. Шакаров. Бошқарувда мафкура тамойиллари.....42

ҚАРОР ВА ИЖРО

У. Эрназаров. Ўзбекистонда нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари46

СУД ОЧЕРКИ

Х. Ёдгоров. Қотилнинг иқрори.....49

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

**СУДЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУДУДИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ (COVID-19)
ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН
ЧОРАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИING
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

2020 йил 28 апрель

08-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида корона-
вирус инфекцияси (COVID-19) тарқали-
шининг олдини олишга қаратилган чоралар
жорий этилиши, суд амалиётида масалалар
келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шу-
нингдек моддий ва процессуал қонун нор-
малари бир хилда ва тўғри қўлланилишини
таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»-
ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўз-
бекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратил-
синки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
2020 йил 16 мартдан бошлаб коронавирус
инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг
олдини олишга қаратилган махсус чоралар
(карантин) жорий этилган бўлиб, бу давлат
органлари ва бошқа муассасалар ишлаш тар-
тибига, тадбиркорлик субъектлари фаолият-
ига жиддий ўзгартиришлар киритилишига,
фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига, шу
жумладан, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини
амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекла-
нишига сабаб бўлди. Бундай чоралар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз
ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига сал-
бий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи нав-

батдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил
19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Коронавирус пандемияси даврида
аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркор-
лик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020
йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг «Коронавирус инфекция-
си тарқалишига қарши қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида» 2020 йил 23 мартдаги
176-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли Фармо-
йиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Рес-
публикасида коронавируснинг кириб келиши
ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чо-
ра-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича рес-
публика махсус комиссиясининг қарорлари;

бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жо-
рий этилди.

2. Судлар шуни назарда тутиши лозимки,
карантин даври ва шартлари Ўзбекистон Рес-
публикасида коронавируснинг кириб келиши
ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чо-
ра-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича рес-
публика махсус комиссиясининг қарор-
лари билан белгиланади ва расман бекор ки-
лингунга қадар амал қилади.

3. Судларга тушунтирилсинки, карантин амал қилиши даврида даъво муддати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 156-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига асосан тўхтатилади.

Бунда шунга эътибор қаратиш лозимки, агар карантин даъво муддатининг охириги олти ойида жорий этилган ёки амал қилиши давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Даъво муддатининг тўхтатилишига асос бўлган карантин бекор қилинган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, агар даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг учинчи қисмига кўра, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадб-иркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс фақат мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаган ҳолдагина, жавобгар бўлади.

Шу муносабат билан судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда (неустойка ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантиришни рад этиши лозим.

5. Қонунга мувофиқ жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ишларда иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ёки суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар ўтиши билан у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади.

Шу билан бирга, процессуал ҳаракатлар-

ни карантин жорий этилиши муносабати билан амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда, судлар процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда узайтириш ва тиклаш масаласини ҳал этиши зарур, башарти қонун бундай муддатларни узайтириш ёки тиклашга йўл қўйса.

6. Судлар шунга алоҳида эътибор қаратиши лозимки, карантин жорий этилиши ушлаб туриш, қамокда сақлаш, уй қамоғида бўлиш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораларининг қонунда белгиланган муддатларини, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш муддатлари ўтишини тўхтатмайди.

Шу муносабат билан жиноят ишлари бўйича судлар эҳтиёт чораларини қўллаш, ўзгартириш, бекор қилиш, эҳтиёт чоралари муддатларини узайтириш, касаллиги ёхуд ногиронлиги туфайли жазодан озод қилиш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ишлар ва материалларни ўз вақтида карантин шартларига риоя этган, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш чораларини кўриши лозим.

7. Тегишли процессуал қонунда назарда тутилган фуқаролик, жиноят, маъмурий, иқтисодий иш бўйича иш юритишни тўхтатиш асослари тугал эканлиги сабабли, судлар мазкур ишлар бўйича иш юритишни карантин жорий этилиши муносабати билан тўхтатишга ҳақли эмас ва уларни ўз вақтида, карантин шартларида белгиланган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиши, бундай чоралар кўришнинг ҳамда процесс иштирокчилари иштирокини амалда таъминлашнинг имконияти бўлмаганда, ишни кўришни маълум муддатга қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши лозим.

Бунда карантин жорий этилиши муносабати билан қолдирилган ишларни кўриш муддатлари бузилиши ҳоллари судьялар айби билан йўл қўйилган деб баҳоланиши мумкин эмас.

8. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ушбу қарор 7-бандининг биринчи хатбошисида кўрсатилган қоидалар қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

буйруқ тартибида кўриладиган ишларга;
соддалаштирилган тартибда кўриладиган ишларга;

тарафлар томонидан ишни уларнинг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома берилган ишларга, башарти суд суд мажлисида тарафлар иштирок этишини шарт деб топмаган бўлса;

кечиктирмай кўрилиши талаб этиладиган бошқа ишларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 117-моддасининг 2-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, яъни тараф даволаш муассасасида бўлганда, шунингдек тарафлардан бирортасида судга келишга монелик қиладиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлганда, иш бўйича иш юритиш суд томонидан тўхтатилиши мумкин.

10. Судларга тушунтирилсинки, судларнинг қамоқдан ва уй қамоғидан озод қилиш тўғрисидаги ҳукмлари, ажримлари, қарорлари дарҳол ижрога қаратилиши лозим.

Карантин жорий этилгунга қадар қонуний кучга кирмаган суд қарорлари, шунингдек карантин даврида чиқарилган ва карантин жорий этилиши муносабати билан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) суд қарорлари карантин амал қилиши бекор қилингандан сўнг ижрога қаратилади.

11. Иқтисодий судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармонининг қоидаларини инобатга олган ҳолда:

карантин жорий этилган пайтдан бошлаб ва 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт (импорт) қилувчиларга молиявий жарималар

қўллаш тўғрисидаги аризалар келиб тушганда бундай аризаларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қабул қилиш рад этилиши, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилиши лозим;

Фармон қабул қилингунга қадар қўзғатилган чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт (импорт) қилувчиларга молиявий жарималар қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш 2020 йил 1 октябрга қадар тўхтатилади.

12. Иқтисодий судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда:

хўжалик юритувчи субъектлар ва божхона органлари ўртасидаги божхона имтиёзларини қўллаш масалалари бўйича низоларни кўришда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб қилинган товар Фармоннинг 1-иловасида кўрсатилган товарларга кириши ёки кирмаслиги, қурилиш материаллари корона-вирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун, товарлар эса, улар фаолият кўрсатиши учун олиб қилинганлиги аниқланиши ва унинг натижаси бўйича низо юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим;

солиқ органларининг солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш тўғрисидаги даъво аризаларини кўриб чиқишда жавобгар (солиқ тўловчи) Фармон 4-бандининг «а» кичик бандида кўрсатилган субъектларга кириши ёки кирмаслиги аниқланиши, агар кирганда – солиқ тури ва солиқ ҳисобланган давр, солиқ органи томонидан қўлланилган солиқ ставкаси аниқланиши ва унинг натижаси бўйича низо юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим;

солиқ органларининг солиқ қарздорлиги-

ни мажбурий ундириш ҳақидаги даъво аризаларини кўришда солиқ органлари мазкур объект 2020 йил 1 апрелгача ёки ундан сўнг аниқланган бўлишидан қатъи назар, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабргача бўлган даврда фойдаланилмаётган объектларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллашга, 2020 йил 1 апрелга қадар оширилган ставкалар бўйича ҳисобланган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммасига нисбатан пеня ҳисоблашга ва мажбурий ундириш чораларини кўришга ҳақли эмаслигини назарда тутиш лозим;

солиқ органларининг якка тартибдаги тадбиркорлардан солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш ҳақидаги даъво аризаларини кўриб чиқишда солиқ органи томонидан ҳисобланган жисмоний шахсларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқ даври аниқланиши лозим, бунда назарда тутиш лозимки, 2020 йил 24 мартдан бошлаб карантин амал қилиниши бекор бўлгунга қадар кўрсатилган солиқлар ҳисобланмайди, агар якка тартибдаги тадбиркор томонидан ўз фаолиятини тўхтатилганлиги ҳақида солиқ органини хабардор қилган бўлса. Бунда судлар шуни назарда тутиши лозимки, агар бундай хабарнома солиқ органига юборилмаган бўлса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммаси ва ижтимоий солиқ ҳисобланиши тўхтатилмайди;

карантин жорий этилган пайтдан бошлаб ва 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган қарздор – юридик шахснинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида аризалар келиб тушганда бундай аризаларни ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қабул қилиш рад этилиши, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилиши лозим. Ушбу қоида банкротликнинг соддалаштирилган тартибида иш қўзғатиш ҳақидаги аризаларга, шунингдек кўрсатилган чеклов чоралари ки-

ритилгунга қадар молиявий қийинчиликларга дуч келган қарздор – юридик шахснинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризаларга нисбатан татбиқ этилмайди;

давлат корхоналари – давлат мулкларини ижарага бериш марказларининг ижара тўловлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларини кўришда қарздорлик юзага келган давр аниқланиши лозим. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, агар карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини ижарачи - тадбиркорлик субъекти томонидан тўхтатилган бўлса, 2020 йил 24 мартдан бошлаб карантин амал қилиниши бекор бўлгунга қадар ижара тўловлари ҳисобланмайди.

13. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда, агар 2020 йил 1 октябрга қадар бўлган давр мобайнида кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги ишларни кўришда қарздор томонидан кредит бўйича тўловлар карантиннинг амал қилиш даврида молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли кечиктирилганлиги ва шу сабабли қарздор кечиктириш ҳукукига эга эканлиги аниқланганда, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилиши лозим. Бундай қарор жорий этилган карантин режими қарздорларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланганда, қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига жарима санкцияларини ундириш ва ундирувни гаров таъминотига қаратиш тўғрисидаги даъволар бўйича ҳам қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси
И. АЛИМОВ



СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Жамият тараққиёти қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Бинобарин, Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жihatдан тўртта муҳим омилга — яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу омиллар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шу жумладан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини кафолатлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг самарадорлигини, ҳалқимизнинг суд органларига нисбатан қатъий ишончи ва ҳурматини оширишда янада тўлароқ намоён бўлади.

Шу билан бирга, ушбу Мурожаатномада суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздан эканлиги ва судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлиши алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ўтган уч йил мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги

«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилди, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди. Шунингдек, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш институти бекор қилинди.

«Хабеас корпус» институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди, шунингдек судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан ягона суд амалиётини таъминлаш мақсади-

да Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

207 та маъмурий суд ташкил этилди, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган туманлараро ва туман (шаҳар) миқёсида ҳам жами 85 та иқтисодий суд фаолияти йўлга қўйилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бу борада очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадига Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 2018 йилнинг январь ойида тасдиқланди ва 2018 йил 1 апрелдан кучга кирди.

Таъкидлаш керакки, ушбу кодекслар дунёнинг тараққий этган давлатларининг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш, ислохотлар жараёнида тўпланган бой тажриба асосида ишлаб чиқилган.

Тўртинчидан, 2018 йил 4 апрелдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Унда Жиноят кодексига далилларни, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштирганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи моддалар киритилгани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини янада оширди.

Ушбу ислохотлар натижасида турли тазйиқлар остида олинган кўрсатмалардан далил сифатида фойдаланишга чек қўйилди. Суд ишларини кўриб чиқишда фақат суд тергов жараёнида атрофлича текширилган ва ўз тас-

дигини топган далилларга асосланилмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Судьялар олий мактабининг асосий мақсади бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда малакали судьялар ва судлар аппарати ходимларини тайёрлаш ҳамда одил судловнинг юқори даражасига эришишдир.

Олтинчидан, 2019 йил 14 январдаги «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкини ҳимоя қилишнинг қонуний кафолатларини белгилаб берди.

Қайд этиш лозимки, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддасида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга доир умумий қоидалар белгиланган бўлса-да, бироқ қўлланиладиган хавфсизлик чоралари турлари, уларни қўллашнинг тартиби аниқ белгиланмаган эди.

Ушбу Қонуннинг аҳамияти шундаки, унда жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизими, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартиби аниқ белгиланди.

Мазкур Қонун билан жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларига нисбатан тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг

олдини олишга ёки уларни фош этишга қўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизими назарда тутилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасидаги юқорида кўрсатилган туб ўзгаришлар, энг аввало, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судлов самарадорлигини ошириш, шу орқали халқимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини ошириш ва муносабатини ўзгартиришга қаратилган бўлиб, уларнинг амалиётга жорий этилиши бугунги кунда ўзининг аниқ самарасини бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 декабрь куни Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг навбатдаги йўналишлари белгилаб берилди.

Хусусан, ушбу маърузада 2020 йилдан бошлаб суриштирув ва дастлабки тергов жараёни устидан суд назоратини ўрнатиш лозимлиги, яъни прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилиши ҳақида сўз борди.

Амалдаги ЖПКга кўра, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, унинг муддатини узайтириш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ва унинг муддатини узайтириш, эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туриш каби тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга рухсат бериш суднинг ваколатига тааллуқли.

Таъкидлаш лозимки, ушбу чоралар суриштирув ва дастлабки тергов устидан тўлақонли суд назоратини ўрнатиш имконини бермайди.

Жиноят процессида суд назоратининг энг муҳим белгиси фақатгина айрим процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат беришдан иборат бўлибгина қолмасдан, балки фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келиб тушган шикоятларнинг суд томонидан кўрилиши бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимизнинг ушбу таклифлари миллий жиноят процессуал қонунчилигимизни мутлақо янги сифат даражасига олиб чиқади. Яъни, эндиликда мамлакатимизда ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган тартиб жорий қилинади.

Ушбу тартибнинг жорий қилиниши натижасида жиноят ишини кўзғатиш босқичидан бошлаб терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни барвақт аниқлаш ва уларни зудлик билан бартараф этиш, фуқароларни асоссиз айблаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ноқонуний чеклашга йўл қўймаслик кафолатланади.

Шунингдек, мамлакатимизда «хабеас корпус» институтини янада ривожлантириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг янада мустаҳкамланишига эришилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қadam бўлади.

Мурожаатномада судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш мақсадида суд қарорларини прокуратура томонидан қақариб олиб ўрганиш амалиётини чеклаш таклифи ҳам илгари сурилди.

Маълумки, суд мустақиллигини таъминлашга оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилигимизга кўра, судья одил судловни амалга ошираётганда суд процесси барча

иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар қандай бевосита ёки билвосита ташқи таъсирлар, ниятлар, босим ёки аралаштиришлардан қатъи назар, мустақил ҳаракат қилиши, фақат фактларни баҳолашдан келиб чиқиши ва ички ишончига асосланиб, қонунга ва ҳуқуқий онгига амал қилиши шарт.

Шу мақсадда давлат органлари, бошқа институтлар ва хусусий шахслар судьяларни мажбурлаш ёки уларни муайян қарорлар чиқаришга оғдириш йўлида босим кўрсатишдан тийилишлари керак.

Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш, яъни иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкинлигини белгилаш бўйича таклифи суд мустақиллигини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, Президентимиз томонидан мазкур Мурожаатномада тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттириш лозимлиги, жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш, шунингдек божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартибини белгилаш таклифи илгари сурилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортикча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш учун ушбу турдаги қонун бузилишини содир қилган шахсларга нисбатан жиноий таъқибни эмас, балки молиявий ва фуқаролик-ҳуқуқий чораларни қўллаш самарали йўл бўлиб ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши келгусида тадбиркорларнинг асоссиз жиноий таъқибдан ҳимоя қилинишини таъминлайди, фуқароларимизда «тадбиркорлик билан шуғулланиш хавфли экан» деган тушунча пайдо бўлишининг олдини олади.

Мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2020 йил 2 март куни имзоланган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953 – сонли Фармон билан тасдиқланган Давлат дастурида юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилиш вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Зеро, ушбу вазифалар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлар мамлакатимизда қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур эзгу мақсадни рўёбга чиқаришда эса, судьялар зиммасига ўта муҳим вазифа – одил судловни Конституция ва қонунлардан ҳамда адолат тамойилидан ғишмай амалга ошириш юклатилади.

Д. ТАДЖИБАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилоят
суди раиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Жиноятчилик одамларни кўркувда тутиб келганлиги сабабли инсоният доимий равишда унга қарши курашган ҳамда курашишнинг усул ва воситаларини яратиб келган. Ушбу усул ва воситалар муайян бир бошқарув тартиби орқали жамиятга сингдирилиб борилган.

Бошқарувнинг ўз тартиб-қоидалари ва уларни амалга ошириш усуллари ҳамда шакллари мавжуд. Ибтидоий жамоа тузумида ҳам бошқарув тизимининг асосий шаклларида бири жиноятчиликка қарши курашиш бўлган. Бинобарин, қабила бошлиқлари ва уларнинг маслакдошлари бу борада тегишли чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этганлар.

Мисол учун, «Авесто»да қайд этилишича, қабила бошлиқлари ёки оқсоқоллар «ниманапати»¹ деб юритилган. «Нимана» — катта оила, «ниманапати» эса катта оила бошлиғи маъносини англатган. Ҳар бир оила 20–25 нафар аъзодан иборат бўлган. «Виспати» — Кенгаш бошлиғи, қабила оқсоқоли, катта кишлоқ раҳбари маъноларини билдиради. Ушбу бошлиқ ва оқсоқоллар катта куч ва ҳуқуққа эга бўлганлар. Уларга жамоа ҳаёти билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган. Уларнинг буйруқ ва топшириқлари жамоа аъзолари учун қонун ҳисобланган. Қабилада тартиб ўрнатиш, жамоадагилар хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш бевожуба уларнинг зиммасида бўлган².

«Темур тузуклари»да Буюк Соҳибқирон Амир Темур ўз бўйсунувидаги давлатларда жиноятчиликка қарши кураш хусусида шундай таъкидлайди: «...Амр этдимки, ўғри ва қароқчиларни «Ясо» асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Эзма-бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар. Ҳар бир шаҳар ва кишлоққа қутвол тайинласинларки, сипоҳу раиятга соқчилик қилсин, кимнинг бирор нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни кўриқлаб, йўловчилар,

савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қорхон юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин»³. Бу жиҳат давлатда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар жорий этилганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг янги — «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилди ҳамда 24 соатлик патруль хизмати йўлга қўйилди⁴, шунингдек «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»нинг белгилангани ҳамда замонавий транспорт ва алоқа воситаларининг яратилиши, техник таъминотнинг яхшиланиши, жамоат жойларига видеокузатув мосламалари ўрнатилиши⁵ бу борада жуда кўл келмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2018 йилга нисбатан 2019 йилда умумий жиноятчилик 6,0 фоизга камайган.

Содир этилган умумий жиноятчиликда вояга етмаганларнинг ҳиссаси 2017 йилда — 1,9 фоиз, 2018 йилда — 1,8 фоиз, 2019 йилда — 1,6 фоизни ташкил этган.

Эришилган натижаларга қарамасдан, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Чунки, битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак⁶.

Ҳозирги замонда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ниҳоятда мураккаблашиб бормоқда, бунга асосий сабаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ер юзида аҳоли сони тез суръатларда ошиб бормоқда. Мисол учун, икки минг

йил муқаддам 300 миллион нафар бўлган бўлса, ҳозир дунёда 7,7 миллиард нафар инсон истиқомат қилмоқда. Айни вақтда аҳоли ҳар йили ўртача 84 миллионга ошиб бормоқда⁷;

иккинчидан, транспорт воситалари, йўл ҳаракати иштирокчилари сони ҳам кўпаймоқда. Айни вақтда биргина автомашиналар сони дунёда 1,3 миллиарддан ошди ва бу кўрсаткич кейинги 30 йилда икки баробар ортиши кутилмоқда⁸;

учинчидан, корхона, ташкилот, муассасалар, бозорлар, савдо расталари, истироҳат боғлари, кўнгил очар масканлар ҳамда аҳоли зич яшайдиган шаҳарлар кўпайиб бормоқда.

тўртинчидан, туризмга кенг йўл очилмоқда, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, маърифий масалаларда хорижий давлатлар билан яқин алоқалар, дўстона муносабатлар ўрнатилиши натижасида чет элликлар ташрифи кўпаймоқда. Жумладан, Ўзбекистонга ташриф буюраётган чет эл сайёҳларининг сони 2017 йилда 2,7 миллион, 2018 йилда 5,4 миллион нафарни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 6 миллиондан ошиб кетди. 2025 йилда бу кўрсаткич 11 миллиондан ошиши кутилмоқда⁹;

бешинчидан, бугун интернет бутун дунёни эгаллади. Унинг ижобий ва салбий жиҳатларини тушуниб олиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозир дунё аҳолисининг 3 миллиарддан

ортиғи интернет тизимидан фойдаланмоқда. Уларнинг 13 миллионини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Маълумотларга кўра, интернет тармоқларида ўз-ўзини ўлдиришга тарғиб этувчи 10 мингта (ўзини ўзи ўлдириш бўйича ҳозир Ғарб биринчи ўринни эгаллаган), шахвоний ҳирсни кўзгатувчи 5 мингта яқин сайт мавжуд. Сайтларнинг 12 фоизида порнографик хусусиятдаги ғоялар тарғиб қилинмоқда, оддий, болаларбоп ўйинларнинг қарийб 50 фоизида зўравонлик, 40 фоиздан кўпроғида жангарилик намоиш этилади. Ундан ташқари, 10 фоиз ёшлар «компьютербозлик» (геймбллик) дардига мубтало бўлишган.

Ушбу мураккаб замонда, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш муайян бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, амалиётга татбиқ этилиши муҳим ҳисобланади. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш «Ҳуқукбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқукбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат

АННОТАЦИЯ

Мақолада олдини олиш ва профилактика тушунчалари, бошқарув тартиби, ҳуқукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг янги тизими, давлат сиёсати, ҳуқукбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирлари, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: вояга етмаган, жиноятчилик, олдини олиш, профилактика, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш.

* * *

В данной статье приводятся мнения о понятиях предупреждения и профилактики, порядка управления, новой системе профилактики правонарушений и борьбы с преступностью, о государственной политике, мерах по профилактике правонарушений, предупреждению преступности среди несовершеннолетних.

Ключевые понятия: несовершеннолетний, преступность, предупреждение, профилактика, предупреждение преступности среди несовершеннолетних.

* * *

The article describes the concepts of warning and prevention, the management procedure, the new system of crime prevention and crime control, state policy, crime prevention measures, and prevention of juvenile delinquency.

Key words: juvenile, crime, warning, prevention, prevention of juvenile delinquency.

сиёсати тўғрисида»ги, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилади ва амалга оширилади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш давлат ички сиёсатининг ажралмас бўғини ҳисобланади. Чунки, вояга етмаганлар – 18 ёшгача бўлганлар аҳолининг 36,6 фоизини ташкил этади¹⁰.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш сиёсати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти томонидан белгиланади. Тегишли идора ва муассасалар эса, бу соҳадаги давлат сиёсатини бевосита амалиётда татбиқ этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланиши ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг ташкил этилганлиги натижасида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда муайян бир механизм яратилди.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «олдини олмоқ» тушунчасига «хавф-хатарнинг юз беришидан илгари чорасини кўрмоқ; ёмон оқибатнинг юз беришига йўл қўймаслик»¹¹, шунингдек «профилактика»га: «умуман, бирор-бир ҳодисанинг олдини олиш учун кўриладиган чоралар»¹², деган таъриф берилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, олдини олиш профилактикага нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у профилактик чора-тадбирларни ҳам қамраб олади. Демак, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга профилактик чора-тадбирларни қўллаш орқали эришилади. Шундай экан, уларнинг ишлаб чиқиши, самарадорлиги механизмнинг яратилиши вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга хизмат қилади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик про-

филактикаси каби турлари белгилаб берилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ушбу турлари ўз мазмуни, мақсади, вазифаси, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари сабабли ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган ҳамда профилактик чора-тадбирлар тизимига эга. Мазкур чора-тадбирлар вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини кафолатлайди, албатта.

Бироқ, вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий, махсус ва виктимологик профилактикаси ҳамда улар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ўртасида ноаниқлик ва тушунмовчиликлар мавжуд. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий, махсус ва виктимологик профилактикаси каби турлари кўрсатилмаган, улар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг ваколатларига киритилмаган. Ваҳоланки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва виктимологик профилактикаси каби турлари берилган. Ушбу Қонуннинг 27-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун, мазкур Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши кўрсатилган. Ушбу қонунларни янги таҳрирда қабул қилишда бу каби муаммоларни бартараф этиш зарур.

Шу билан бирга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти, алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майда «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Қа-

рори қабул қилинган. Ушбу Қарор билан ички ишлар органлари республика ўқув-тарбия муассасаларига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган, айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса, республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар, якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай, мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиради ва суд қарори асосида жойлаштириш масаласини ҳал этади. Шунга асосан «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-боби «Республика ўқув-тарбия муассасасига

жойлаштириш тартиби» деб ўзгартирилиши, ушбу Қонуннинг 28, 29, 30, 31-моддаларига ҳам шу тариқа ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни жазолашдан афзалдир, чунки жиноят оқибатида фуқароларга, давлат ва жамиятга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам жисмоний зарар етказилади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, биринчи навбатда, оиладаги муҳит ва таълим-тарбиядан бошланади. Нима ҳалолу нима ҳаром эканлиги фарзандларимизга бобо ва момолар, ота-она ва устозлар ўғити билан сингдирилади.

Вояга етмаганларда жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилувчи мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки болаларда жиноят қилишдан қайтиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир.

Б. УМИРЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси «Криминология»
кафедраси катта ўқитувчиси

¹ *Авесто / А. Маҳкам таржимаси. – Т., 2001. – 290, 302-б.*

² *А. Х. Халилов. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти мақсад ва принциплари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2019. — № 3. — 44-б.*

³ *Соғуний.А. Темур тузуклари: тарихий адабиёт / А.Соғуний ва Ҳ.Қароматов. - Тошкент; Yangiyo'l Poligraph Service. 2019. – 160 б. – 134-б.*

⁴ *Асосий мақсад - аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. URL: <http://www.uza.uz>.*

⁵ *А. Х. Халилов. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти, мақсад ва принциплари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2019. — № 3. — 45-б.*

⁶ <https://president.uz/uz/1914>

⁷ *А.Х. Халилов. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти, мақсад ва принциплари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2019. — № 3. Б. 45.*

⁸ *Ўша манба.*

⁹ *Ўша манба.*

¹⁰ *2010-2020 O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi. Demografiya. Aholi va hayotiylik statistik ma'lumotlari / www.stat.uz (19.02.2020).*

¹¹ *Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 109-б.*

¹² *Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 316-б.*

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлари ошиб бораётган бир пайтда низоларни бевосита далилларга таянган ҳолда ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга.

Қонун талабига кўра, суднинг у ёки бу низо бўйича қабул қилинган қарори аниқ далилларга асосланган ва қонуний бўлиши лозим.

Такдим этилган далилларга тўғри баҳо бериш, зарурларини талаб қилиб олиш ва мавжудлари асосида низони ҳал этиш суд қарорларининг асосли ва қонунийлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (МСИЮтК)нинг 65-моддаси талабларига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг арз қилинган талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар маъмурий иш бўйича далил ҳисобланади.

Бунда ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Маъмурий органларнинг низолашилатган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилди. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар

ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт.

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўзининг арз қилинган талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган далилларни ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдида, агар МСИЮтКда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгилаган муддат доирасида очиб бериши керак.

Суд ишни тўғри ҳал қилиш мақсадида далилларни ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан талаб қилиб олиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этаётган ёки иштирок этмаётган шахсдаги зарур далилларни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада ушбу далил билан иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва у турган жой кўрсатилиши керак.

Далилни талаб қилиб олиш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиб, унда ушбу далилни такдим этиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этаётган шахсларга, шунингдек суд томонидан талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсга юборилади.

Агар шахс суд талаб қилаётган далилни такдим этиш имкониятига эга бўлмаса ёки суд белгилаган муддатда такдим эта олмаса, у шу муддат ичида бу ҳақда судни сабабларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиши шарт.

Далилни сақлаётган шахс талаб қилинаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини суд узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаган тақдирда, унга жарима солинади.

Талаб қилинаётган далилга эга бўлган шахсга жарима солиниши уни далилни судга тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди. Шунингдек, суд фақат ишга алоқадор бўлган далилларни қабул қилади.

Агар тақдим этилган далиллар кўрилатган ишга алоқадор бўлмаса, улар иш материалларига кўшиб қўйилмайди, уларнинг далил сифатида рад қилинганлиги суд ҳужжатида акс эттирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган.

Исботлаш суд тизимидаги асосий воситалардан биридир ва у мавжуд далиллар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Айни пайтда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 72-моддасида исботлашдан озод қилиш асослари белгиланган ва ишнинг маъмурий суд томонидан барчага маълум деб топилган ҳолатларини исботлаш талаб этилмайди.

Маъмурий суднинг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки иқтисодий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган маъмурий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга дахлдор бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича маъмурий суд учун мажбурийдир.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун нормаларига кўра, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, амалий ёзишмалар, шу жумладан факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ишончилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ўзга ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллардир.

Ёзма далиллар асл нусхада ёки тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхада тақдим этилади. Агар кўрилатган ишга ҳужжатнинг фақат бир қисми алоқадор бўлса, унинг тасдиқланган кўчирмаси тақдим этилиши мумкин.

Иш ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда суднинг талаби билан уларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Судга тақдим этиладиган, тўлиқ ёки қисман чет тилида тузилган ёзма далилларга уларнинг тегишли тарзда тасдиқланган таржималари илова қилинади.

Чет давлатда олинган ҳужжат, агар у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда легаллаштирилган бўлса, судда ёзма далил деб тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет давлатда олинган ҳужжат легаллаштирилмасдан судда ёзма далил деб тан олинмаслиги қонунчилик нормаларида мустаҳкамланган.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш учун аҳамиятга эга бўлган ўзларига маълум ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари текширилиши ва бошқа далиллар билан бирга баҳоланиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахс суднинг таклифига кўра ўз тушунтиришларини ёзма шаклда баён этиши мумкин.

Бошқа шахс ўз талабларини ёки эътирозларини асослаётган фактларнинг ишда иштирок этувчи шахс томонидан тан олинмиши суд учун мажбурий эмас.

Суд тан олинган фактни, агар унда фактни тан олиш ишнинг ҳолатларига мувофиқ эканлигига, алдаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, чалғитиш таъсирида ёки ҳақиқатни яшириш мақсадида қилинмаганига шубҳа туғилмаса, аниқланган деб ҳисоблаши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар зарур далилларни тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб ҳисоблашга асоси бўлган ҳолларда ишни ўз юритувига қабул қилган суддан ушбу далилларни таъминлаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, тасдиқланиши учун ушбу далиллар зарур бўлган ҳолатлар, далилларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимоснома билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаронинг шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлайди ва унга кўра, ҳеч ким қонун назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари шахснинг ёзишмалари ва телефонда сўзлашувлари синини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ва низога оид гувоҳлик берувчи ҳолатлар акс этган видео ёки аудио ёзувлар арз этилган талаб ва эътирозларнинг асоси сифатида бошқа далиллар йиғиндиси билан бирга баҳоланади.

Видео ёки аудио ёзувларни тақдим этган шахс бундай ёзув қачон, ким томонидан ва қандай шароитларда амалга оширилганлигини кўрсатиши шарт.

Видео ва аудио ёзувларнинг қалбакилиги ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қи-

линган ҳолатларда, суд тегишли экспертиза тайинлашга ҳақли.

Далиллар бошқа туман ёки шаҳар ҳудудида жойлашган бўлиб, у ёки бу сабабга кўра уларни бевосита ишни кўраётган судга тақдим қилиш мумкин бўлмаса, суд бошқа судга суд топшириғи бериш орқали далилларни таъминлаш, талаб қилиб олиш ва текшириш бўйича процессуал ҳаракатларни амалга оширишни топшириши лозим.

Қонун нормалари билан таъминланиши мумкин бўлган далиллар доираси чекланмаган. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг далилларни тақдим этиш мумкин бўлмай қолиши ёки қийинлашиши ҳақидаги хавфи асосли бўлганда, суд далилларни таъминлаш чораларини кўриши лозим.

Суд процессида гувоҳларнинг сўзлари ҳам муҳим далил ҳисобланади. Суд гувоҳни сўроқ қилиш вақтида била туриб ёлғон кўрсатув берганлик, кўрсатув беришни асоссиз рад этганлик учун гувоҳ жиноий-жавобгар бўлишини тушунтириб, иш учун аҳамиятли маълумотларни олиши мумкин.

Эксперт хулосалари ҳам ишдаги асосий ҳужжатлардандир. Эксперт хулосаси маъмурий иш қўзғатилганидан сўнг қонун талабига мувофиқ тайинланган ва ўтказилган суд экспертизаси натижалари бўлиши мумкин.

Қонун талабларига риоя қилинмаган, процесс доирасидан ташқарида олинган ҳар қандай бошқа хулосалар эксперт хулосаси мақомига эга бўла олмайди ва судда бундан исботлаш воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

Ў. ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилоят маъмурий
суди судьяси

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИШ САБАБЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳар қайси мамлакатнинг ўз ёндашуви, тажрибаси ва усуллари бор.

Энг ривожланган давлатлар каторида бўлган Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Бундай дастурлар орасида жамоатчилик ўртасида энг муваффақият қозонгани «Синдирилган ойналар» концепцияси ҳисобланади. Мазкур таълимот асосчилари «Агар бинонинг битта ойнаси синган бўлса ва уни ҳеч ким таъмирламаса, қисқа вақт ичида бинонинг қолган ойналари ҳам синдирилади, бинонинг ўзи тўлиқ харобага айланади ва бу жой жиноятчилар макони бўлиб қолади», дея ўз таълимотларига таъриф берадилар.

Концепция муаллифлари кўчаларда тартиб ва озодалиқнинг мавжуд эмаслиги девиант хулқ-атворнинг намоён бўлишига олиб келишини қайд этади. Яъни, ойналар, электр чироқларининг сингани, қаровсиз ташлаб кетилган автомобиллар, бинолар ва йўлларнинг узок вақт таъмирланмагани, чиқиндилар кўчанинг исталган жойига ташланиши ўша ҳудудда жамоатчилик назоратининг йўқлиги, ахлоқсизлик ва ҳуқуқбузарлик учун таъсир чоралари қўлланмаслиги ҳамда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш тузилмалари мазкур ҳолатга бепарво қарашларидан далолат беради. Бундай белгилар эса, одамлар онгида ушбу ҳудуд назоратдан ташқари, бу ерда давлат ва жамоат ҳокимиятининг кучи йўқ, деган фикрни шакллантиради. Агар битта ойна синган ва бу ҳеч кимни безовта қилмаётган бўлса, демак бошқа ойналарни ҳам

синдириш мумкин. Шу тариқа одамнинг ичидаги яширин девиант хулқ-атвор унинг хатти-ҳаракатларига кўчади.

Мазкур гипотезага асосланган ҳолда ушбу дастурда аҳоли пунктларида тозалик ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, қаровсиз автомашиналар, бино ва иншоотлар пайдо бўлишига, чиқиндиларнинг тўпланиб қолинишига йўл қўймаслик чоралари белгиланади. Бунда, дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли пунктларидаги ҳолатни доимий равишда ўрганиб борадилар, аста-секин аҳолининг ўзи ушбу дастурнинг ҳам ижрочиси, ҳам назоратчисига айланади. Дастурнинг ўзи эса, аҳолининг кундалиқ турмуш тарзига сингиб боради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида махсус дастурлар, шунингдек бир қарашда оддий кўринган ташкилий чора-тадбирлар ҳам келгусида ўзининг самарасини бериши мумкин. Хусусан, ўтган асрда Европанинг қатор давлатларида йўловчиларнинг ҳаво кемаларига қурол-яроғ ва бошқа хавфли буюмлар олиб киришини қаттиқ назорат қилиш орқали ҳаво кемаларини олиб қочиш билан боғлиқ жиноятларнинг кескин камайишига эришилган.

Футбол бўйича бўлиб ўтадиган мусобақаларда икки жамоа мухлисларининг алоҳида секторларда ўтириши ва турли эшиклардан кириб-чиқишини йўлга қўйиш орқали эҳтирос билан тўлиб-тошган мухлислар содир этадиган ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камайганлиги кузатилган.

Ҳуқуқ тизимида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни баргараф этиш

масалалари ҳақида сўз юритилганда, мазкур масала ҳуқуқшунос олимлар томонидан етарли даражасида ўрганилмаганлигини, уни илмий жиҳатдан асослантириб бера оладиган тадқиқотлар, мақолалар, рисоалар, монографиялар жинойятнинг олдини олишга нисбатан сезиларли даражада кам эканлигини эътироф этиш зарур. Бу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг енгилроқ экани билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан, биз амалиётчи сифатида мазкур масалани кенг қўламли ва батафсил ўрганиш натижалари бўйича назарий таълимот яратилиши тарафдоримиз. Чунки, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши сабаблари ва унга олиб келадиган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таълимот яратилиши келгусида маъмурий ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилишда, уларга қарши курашишда, барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари бу ҳуқуқий онг ва маданиятнинг етишмаслиги, ишсизлик, таълим-тарбия ва муҳит билан узвий боғланади, деб ҳисоблаймиз.

Зотан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахсларнинг аксарияти маълумоти ўрта, ўрта-маҳсус эканлиги тўғрисидаги статистик маълумотлар мавжуд. Ҳуқуқий билимга эга бўлмаса-да, олий маълумотли шахслар ўртасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари кам учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 313-моддасига кўра, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансаб-

дор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум бериши шарт.

Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда маъмурий судлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашлари зарур ва ҳуқуқбузар фаолият олиб бораётган корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига, агар у ҳеч қерда ишламаса, суд амалиёти бўйича у яшаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раҳбарига тақдимнома киритади.

Бундай тақдимномалар корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоавий тарзда муҳокама қилиниши зарур, бу келгусида мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, маъмурий судлар томонидан жойларда жинойят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, қабул қилинган суд ҳужжатларини тушунтириш мақсадида ҳар ойда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказилади, шунингдек оммавий ахборот воситаларида чиқишлар юзасидан медиа-режа тасдиқланган. Ҳар ойда камида бир маротаба очиқ мулоқотлар ташкил этиш дастурига асосан ҳуқуқий мавзуларда корхона, муассаса, ташкилотлар ва аҳоли ўртасида маърузалар қилинади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш биргина судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси эмас. Қачонки давлат ва жамият ўзаро бирлашиб, мазкур иллатларга қарши қатъий кураш олиб борсагина, самарали натижага эришиш мумкин.

О. МИРЗАМАХМУДОВ,
Андижон вилоят
маъмурий суди раиси

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Сайловга оид қонунлар кишилар ўрта-сидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади, давлат ва жамият ҳаёти-нинг янада янгилашишига хизмат қилади. Ўз навбатида, мазкур қонунлар талабларини мукамал билиш, уларни бузиш ёки инкор қилиш муайян юридик жавобгарликни келтириб чиқаришини унутмаслик зарур.

Жумладан, сайлов ҳуқуқида қўлланиладиган конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик сайлов жараёни иштирокчиларига муайян мақомни бермаслик ёки ундан маҳрум қилиш чоралари билан боғлиқдир.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси¹, Сайлов кодекси²да мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундай жавобгарликни, одатда, сайлов ҳуқуқи бўйича жавобгарлик деб ҳам аташади.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг фактик асоси, аввало, сайловга оид конституциявий-ҳуқуқий нормаларни бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, яъни сайлов қонунчилиги нормасини бузувчи шахснинг айбли хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳисобланади ҳамда у ваколатли субъект (мансабдор шахс ёки орган) томонидан белгиланган процессуал шаклда ҳуқуқбузарга нисбатан муайян мажбурлов чораларини қўллашда ифодаланади.

Сайлов қонунчилигида белгиланган конституциявий-ҳуқуқий чоралар ҳам барча ҳуқуқий чоралар ёки санкциялар учун умумий бўлган белгиларга (хатти-ҳаракатни салбий баҳолаш, мажбурлов, ҳуқуқбузарлик субъекти учун салбий оқибатлар) эга.

Айни пайтда, у қуйидаги ўзига хос белгиларни ҳам ўзида мужассам этади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конституциявий ҳуқуқнинг бошқа манбаларида мустаҳкамланган;

иккинчидан, сайлов қонунчилигини бузганлик учун қўлланиладиган аксарият конституциявий-ҳуқуқий чоралар бошқа ҳуқуқ соҳаларида мавжуд бўлган чоралар ёки санкциялар каби қўлланилиши мумкин эмас;

учинчидан, конституциявий-ҳуқуқий чора нафақат конституциявий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун, балки қабул қилинган қарорнинг конституциявий номувофиқлиги асосида ҳам вужудга келиши мумкин.

Бунда, «конституциявий номувофиқлик» тушунчаси конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асоси сифатида орган ёки мансабдор шахснинг ўз конституциявий мақомига мос келмаслиги, шунингдек фуқаролар (сайловчилар) ёки қонун билан белгиланган бошқарув ваколатига эга бошқа субъектларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни самарали бажаришга қодир эмаслиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 13-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Олий Мажлис томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ёзма ариза берганда;
- у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
- у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келганда.

Мазкур Кодекснинг 25-моддасига кўра, комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси қонун талабларини

бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларига мунтазам равишда этиборсизлик қилган тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Демак, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси аъзосига нисбатан чора кўриш, яъни уни ваколатларидан маҳрум этиш Марказий сайлов комиссияси; участка сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш округ сайлов комиссияси; Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловни ўтказувчи вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш тегишли Халқ депутатлари Кенгаши; округ сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси; участка сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Маълумки, маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг алоҳида тури бўлиб, унинг барча хусусиятларига эга. Маъмурий жавобгарлик ҳуқуқий нормалар асосида ўрнатилади, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади ҳамда ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан ўрнатилган процессуал тартибда ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган санкцияларни қўллашда ифодаланади.

2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун³га биноан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси илк маротаба «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий

жавобгарлик» деб номланган янги боб билан тўлдирилди. Мазкур бобда сайлов жараёнида содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 8 та модда ўз ифодасини топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида нормалар мавжуд. Жумладан, ушбу Кодекснинг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, 147-моддасида сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ бўлган қилмишлар Жиноят кодексининг 146-моддасида қатъий белгилаб қўйилган. Сайловлар ёки референдумни ташкил қилиш пайтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, сайлов ёхуд референдум комиссияларининг аъзолари томонидан содир этилган қонунбузарликлар, хусусан, овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, бюллетенлар ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш шулар жумласидандир.

Сайловларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қаратилган ҳаракатлардан бири содир этилган пайдан бошлаб, ижтимоий хавф ву-

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар жараёнида қонунчилиكنи бузганлик ёки фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини у ёки бу кўриниша чеклаш ҳолатлари учун белгиланган жавобгарлик масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: сайлов, сайлов комиссиялари, сайловчилар, конституциявий-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик, судлар.

жудга келган-келмаганлигидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 146-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик юзага келади.

Мазкур жиноят 18 ёшга тўлган мансабдор шахс, сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, сайлов комиссиялари аъзолари томонидан содир этилган бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс – бу доимий, вақтинча ёки махсус ваколатга кўра ҳукумат вакилининг функцияларини бажарувчи ёки давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат идораларида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик функцияларини бажарувчи шахс.

Сайловларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда билвосита иштироки белгиланган бўлиб, ушбу сиёсий ҳуқуқнинг бузилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147-моддасига мувофиқ жазоланади.

Сайловда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда сайлов комиссиялари қарорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан қоида тариқасида юқори сайлов комиссиясига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Сайлов кодексининг 96-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатасига сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида бу қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий

судига шикоят қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин. Сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоятлар қоида тариқасида жавобгар жойлашган жойдаги маъмурий судларга берилади.

Сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қилинган шикоятлар аризачи, тегишли сайлов комиссияси вакили, прокурор, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни чақирган ҳолда, унинг иштирокида кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қилинган шикоят қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори у чиқарилиши билан дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юридик жавобгарлик институтини қўллашдан асосий мақсад, мамлакатда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишдан иборат. Бинобарин, сайлов қонунчилигини бузганлик учун белгиланган конституциявий-ҳуқуқий, маъмурий ҳамда жиноий чораларни қўллаш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини самарали амалга ошириш ва сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя қилишларини таъминлаш механизмини кучайтиради.

О. ТУРҒУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси ҳарбий-техник институти
кафедра бошлиғи, юридик
фанлар номзоди, доцент

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. Қонун ҳужжатлари миллий базаси. 26.06.2019., 03/19/544/3337-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

ҲАЙВОНЛАРГА ШАФҚАТСИЗ МУНОСАБАТДА БЎЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Статистик маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фуқаролардан ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳақидаги 4 мингдан ортиқ ариза келиб тушган. Бундай ташвишли ҳолатлар йил сайин кўпаймоқда. Жумладан, 2014 йилда ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолати мамлакатда 494 тани, 2016 йилда 720 тани, 2018 йилда 1 минг 14 тани ташкил қилган¹.

Республикамизда биологик ресурс сифатида ҳайвонот дунёси объектларидан оқилана фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалада 10 дан ортиқ махсус қонун ва 100 дан зиёд қонуности ҳужжати ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида «ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабат» тушунчаси берилмаган. Бизнингча, ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик – бу безорилик ёки ғараз ниятларда, «садист»² усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳайвонот дунёси объектларига зарар етказиш ёки нобуд қилишдир.

Қайд этиш жоизки, ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида алоҳида модда белгиланмаган.

Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 111-моддасига мувофиқ, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, худди шунингдек ҳайвонларни қийнаш, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Диний томондан олиб қаралганда ҳам ҳайвон ва ўсимликларга ваҳшиёна муносабат исломда қораланади. Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда ер юзидаги барча нарсаларга, жумладан, ҳайвонот дунёсига қандай муносабатда бўлиш лозимлигини муфассал баён қилиб берган.

Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгаши аъзоси Садиржон Жакбаров таъбирича, «Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, қаровсиз ҳайвонларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича тегишли қарор, аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидаларига риоя қилишнинг назоратини кучайтириш, қаровсиз ҳайвонларни вақтинча сақлаш учун бошпаналар яратиш, ҳайвонларнинг ўта хавfli ва юқумли касалликларини аниқлаш, бартараф этиш бўйича ташкилий ва махсус ветеринария тадбирларини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар ҳайвонларга нисбатан инсонпарварлик маданияти ва масъулият ҳисси шаклланишига хизмат қилиши лозим³.

Бизнингча, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик ва жазо масаласида белгиланган мақсадга эришиш учун албатта хорижий тажрибани ўрганиш зарур.

Масалан, Германияда ҳайвонларни муҳофаза қилиш конституциявий даражада мустаҳкамланган. Германияда «Ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисида» Федерал қонун кучга кирди, унда озодликдан маҳрум қилиш ва жарима кўринишидаги жиноий жавобгарлик (жазо), жарима кўринишидаги маъмурий жавобгарлик (жазо) кўзда тутилган, унинг миқдори ушбу ишнинг оғирлигига боғлиқ. Баъзи ҳолларда ҳайвонот

дунёси объекти мусодара қилиниши ҳам мумкин.

Австриянинг «Ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Федерал қонунида ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, жиноий жавобгарлик ҳам назарда тутилган, жазо сифатида қамоқ ҳам мавжуд.

Норвегиянинг «Ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-бобида ҳайвонларга шафқатсизлик учун жарима ёки қамоқ жазоси назарда тутилган, бундай ҳаракатларга ундаш ва ёрдам берганлик учун ҳам жазо чоралари белгиланган.

Швецияда ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик жарима ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Польшада озодликни чеклаш ва жарима жазоси назарда тутилган. Шунингдек, суд

ҳайвонни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Франция Жиноят кодексида ҳам шафқатсиз муомалага йўл қўйганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Белгиланган тартибда жарима ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш нуқтаи назаридан миллий қонунчилик ва уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш зарур.

О. НАРЗУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат юридик
университети
доценти

¹ <https://uza.uz/oz/society/ayvonlarga-nisbatan-shaf-atsiz-munosabatda-b-lishni-oralaymi-25-10-2019>

² Садизм (бу Маркиз Де Саде номи билан аталган) кенг маънода зўравонликка мойиллик, бошқаларни хўрлаш ва қийнаш завқидир. «Садизм» тушунчаси биринчи марта Крафт-Ебинг томонидан 1886 йилда нашр етилган «Жинсий психопатия» монографиясида илмий фойдаланиш учун киритилди. Садист - бу садизмга мойил бўлган одам. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

³ http://uza.uz/oz/society/ayvonlarga-nisbatan-shaf-atsiz-munosabatda-b-lishni-oralaymi-25-10-2019?-phrase_id=5614137.

* * *

Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлиши лозим.

А.П.Чехов

* * *

Фаровон ҳаёт – бу буюк ўқитувчи, лекин бахтсизлик – энг буюк ўқитувчи. Бойлик ақлни бўшаштириб нозиклаштиради, муҳтожлик уни мустаҳкамлайди.

Хэзлитт

* * *

Ҳаёт – бу чексиз комилликка интилиш. Ўзини баркамол деб ҳисоблаш – демак, ўзини ўлимга маҳкум этишдир.

Хеббель

* * *

Инсон мағлубиятга учраш учун яралган эмас... Инсонни йўқ қилиб ташлаш мумкин, лекин унинг устидан ғалаба қозониб бўлмайди.

Хемингуэй

* * *

КИБЕРЖИНОЯТЛАР ХАВФИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳозирда иқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаб, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини тубдан яхшилашда асосий замин бўлмоқда.

Айни вақтда, тараққиёт йўлимизнинг таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини, албатта, ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан ишлашни тақозо этмоқда¹.

Ушбу ёндашув натижасида мамлакат иқтисодиёти юқори кўрсаткичларга эришади, аммо уларга салбий таъсир қиладиган омиллар ҳам мавжуд. Хусусан, киберхужумлар оқибатида мамлакат иқтисодиётига етиши мумкин бўлган зарарларнинг миқдори қанча бўлишини олдиндан айтиб бериш имконсиздир. Зеро, киберхужум тўсатдан амалга оширилади.

Киберхужумлар билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар сонияда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси киберхужум қурбони бўлмоқда ва ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужум уюштирилади ва бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларида кўпроқдир².

McClatchy ахборот хизматининг хабарига кўра, 2017 йил 12 май куни бошланган киберхужумлар натижасида бир ҳафтага етмаган вақт давомида камида 150 мамлакатда 300 мингга яқин компьютер зарарланган³.

Маълумки, кибержиноятчиликни бартараф қилиш учун юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш

соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори билан 2030 йилгача ноқонуний пул оқимларини жиддий равишда қисқартириш, ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шаклларига қарши кураш олиб бориш ва экстремизм кўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равишда қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди ва ҳозирда айнан кибержиноятчиликка қарши курашиш борасида зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Хусусан, UZCERT-Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора кўриш хизматининг маълумотларига кўра, давлат органларининг ахборот тизимларида 2018 йил ва 2019 йилнинг биринчи чорагида ахборот хавфсизлиги ходисалари мониторинги ўтказилганида 54 953 759 та ахборот хавфсизлиги бузилиши аниқланган, улардан 2 502 353 тасининг хавфи юқори даражада бўлган⁴. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар Агентлик томонидан ўтказилган мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган ва бу кўрсаткич 2018 йилда 897 тани ташкил этган.

Хўш, киберхужумлар натижасида мамлакат иқтисодиётига келтирилаётган зарарни камайитиришнинг қандай жиной-хукукий ечимлари мавжуд?

В.С.Харламовнинг фикрича, ушбу муаммонинг ягона ечими кибержиноятчилик тушунчасини мамлакат жинойт қонунчилигига киритишдир⁵. Ҳақиқатан ҳам, жинойт қонунчилигимизга ушбу тушунча киритилиши лозим. Ривожланган давлатлар, хусусан Дания, Франция, Италия, Хитой, Испания, Нидерлан-

дия, Жанубий Корея, Финландия, Швейцария, Австрия каби ўнлаб мамлакатлар қонунчилигига бундай қоидалар аллақачон киритилган. Бироқ, бизнинг қонунчилигимизга ҳалигача кибержиноятга оид махсус қоидалар киритилмагани ва бу жиноят учун жавобгарлик белгилаб қўйилмаган.

Бинобарин, ҳозирда тайёрланаётган янги таҳрирдаги Жиноят кодексида электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузганлик, ахборот технологиялари ва коммуникацияларига қарши қаратилган жиноятлар, киберхавфсизлик соҳасидаги жиноятлар, кибержиноятлар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик, ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, телекоммуникациялар, радиочастота спектри ва техник тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланганлик, компьютер ахборотини модификациялаганлик, зарарли дастурлар ва ахборотларни яратганлик, тайёрлаганлик ёки фойдаланганлик ёхуд тарқатганлик, компьютер саботаж, компьютер орқали ўзгалар мулкани талон-торож қилганлик, ушбу қилмишни товламачилик, босқинчилик, ўғирлик, фирибгарлик, талончилик орқали содир этганлик, компьютер орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатганлик, порнографик дастурлар, аудио-, видео- ва бошқа материалларни тарқатганлик, сақлаганлик, намойиш қилганлик, шундай воситалардан фойдаланганлик, кибертерроризм, киберэкстремизм учун жавобгарлик белгиланиши, «кибержиноятчи», «кибержиноят», «кибермакон», «киберхавфсизлик», «киберхавф», «киберҳужум» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятлар сони ва миқдорини камайтириш учун қайси киберҳужумлар учун оғирроқ жазо белгиланиши бўйича рўйхат

ишлаб чиқилиши ва у амалиётга татбиқ этилиши зарур⁶.

Ю.М.Батурин кибержиноятчиларни ёлланган кибержиноятчилар, эҳтиётсизлик орқали оқибатини ўйламаган ҳолда кибержиноятни содир этадиганлар, жосуслар, хаккерлар, кракерлар (компьютер безорилари) каби тоифаларга бўлган ва улар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик ҳам шунга мутаносиб бўлиши керак деб тушунтириш беради⁷.

Т.М.Лопатина эса, ушбу рўйхатни ўзгача фанат (мухлис)лар, руҳий касаллар ва профи (тарозига солиб қўядиган)ларга тоифаланган ҳолда классификация қилади⁸.

Р.И.Дремлюга уларни «Интернет фирибгарлари», «Интернет-кракер хакер (компьютер безори)лари» ва «Интернет-вирус яратувчилари»га ажратган ҳолда таснифлашни таклиф қилади⁹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 30-моддасига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, янги таҳрирда қабул қилинадиган Кодексида кибержиноятчилик тоифаси эмас, балки улар томонидан содир этилган жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб, қилмишни квалификациялаш бўйича махсус нормаларни белгилаш лозим.

М.А.Зубова АҚШ, Канада, Франция, Германия, Англия, Италия, Испания, Австрия, Бельгия, Дания, Финландия, Греция, Ирландия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Австралия, Швеция, Польша каби давлатларнинг қонунчилигини тадқиқ қилган ҳолда, дунёдаги барча мамлакатларнинг кибержиноятга алоқадор қонунчилигини бир-бири билан унификация қилиш зарурлигини таъкидлайди¹⁰.

Т.Лопатина ҳам, аввало, ушбу жиноятнинг олдини олиш учун трансчегаравий кибержиноятчилик тушунчасини фанга олиб кириш ва унинг механизмини белгилаб қўйиш керак деб ҳисоблайди¹¹.

Икки олимнинг ҳам фикрларида жон бор, сабаби, трансчегаравий кибержиноятчиликни

фанга олиб кирмасдан ва унинг тартиб-таомилини белгиламасдан туриб, кибержиноятчилик билан ялпи курашиш имконсиздир. Иқтисодий секторга жуда катта зарар келтириб чиқаришни мақсад қилган кибержиноятчи ўз қилмишини ўзга мамлакат ҳудудидан туриб содир этади ва бунда трансчегаравий кибержиноятчиликнинг икки давлат томонидан бирдек эътироф этилганлиги ва бир-бирининг ушбу соҳадаги қонунчилиги ўхшаш эканлиги мавжуд муаммоларнинг тезкор ҳал этилишини таъминлайди.

Олим М.А.Простосердов кибержиноятларнинг янада кўпайишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ушбу соҳада етарлича билимга эга эмаслиги сабаб бўлаётгани, оқибатда жиноятчилик кундан-кунга кўпайиб бораётганлигини таъкидлайди ва бу борада алоҳида кадрлар тайёрлашга, айниқса, иқтисодий жиноятларга оид кибержиноятларни квалификация қилишни ва ушбу жиноятларни очишни бемалол уддалай оладиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек ушбу жиноятлар ҳақида тушунтириш берадиган Олий суд Пленуми қарорлари қабул қилиниши зарурлигини қайд этади¹².

Дарҳақиқат, кибержиноятларга оид зарур нормалар Жиноят кодексида мавжуд бўлмаган ҳозирги шароитда Ўзбекистонда Олий суд Пленуми қарори қабул қилиниши ва тегишли тушунтиришлар берилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса сифатида таъкидлаш зарурки, айнан кибержиноятларнинг иқтисодиётга таъсири оқибатида мамлакат ривожига сунъий тўсиқлар вужудга келади. Ушбу тўсиқларни бартараф қилмас эканмиз, иқтисодий танглик кучайиб бораверади. Иқтисодий танглик эса, инсонларнинг давлат органларига нисбатан ишончсизлигини ва мамлакатда турли тартибсизликлар рўй бериш хавфини келтириб чиқаради.

**А. АНОРБОЕВ,
Р. ХУРСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги
масъул ходимлари**

¹ А.Т.Тўхтабоев. Миллий иқтисодиёт ривожини етук мутахассис кадрларга боғлиқ. Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: Фан ва технологиялар, 2018. – 27-б.

² Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). – 46 с.

³ Daryo.uz веб сайтидан: <https://daryo.uz/k/2017/05/25/wannacry-virusi-yordamida-uyushtirilgan-otmaviy-kiberhujum-keltirgan-zarar-miqdori-1-mlrd-dollardan-oshdi/>.

⁴ С.Садиқов. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.

⁵ В.С.Харламов. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье (системное криминологическое и уголовно-правовое исследование). Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт-Петербург. 2019. – 721 с.

⁶ М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. –36 с.

⁷ Ю.М.Батулин. Право и политика в компьютерном круге. –М.: место издания Наука Москва, 1987. –111 с.

⁸ Т.М.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности: автореф. дис. ... докт.юрид.наук: – М.: 2006. –30-31 с;

⁹ Р.И.Дремлюга. Интернет-преступность. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток. 2007. – 143 с.

¹⁰ М.А.Зубова. Компьютерная информация как объект уголовно-правовой охраны. Специальность: 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Казань. 2008. –25 с.

¹¹ Т.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, доктор юридических наук. – М.: 2006. – 418 с.

¹² М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –М.: 2016. –190-191 с.

КОНТРАФАКТ ТОВАРЛАР АЙЛАНМАСИГА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ҳозирги кунда интеллектуал мулк ҳукуқи дунёнинг қатор давлатлари иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Интеллектуал мулк ижодкорлик ва изланишларни рағбатлантиради ва компанияларга жаҳон иқтисодиётида рақобат мавқеини мустаҳкамлаш имконини беради. Контрафакт товарлар, плагиат ва қароқчилик эса, бунга таҳдид солиб келмоқда. Кўпгина ташкилотлар (кўпинча жиноий) интеллектуал мулк объектларини (асосан товар белгилари, асарлар ва шунга ўхшаш маҳсулотларни) сохталаштириш орқали жуда катта фойда кўрмоқда.

Халқаро савдо ва глобаллашувнинг фаол кенгайиши шароитида интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган масалалар мунозара ва муҳокамалар марказида бўлмоқда. Инсон ўз ақлий ва жисмоний меҳнати маҳсули юзага чиқиши, оммага тақдим этилиши, одамлар ундан фойдаланишини хоҳлайди. Аммо, бундай ҳуқуқларнинг поймол этилиши ижод эгасига маънавий ва моддий зарар етказди, албатта¹. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг олиб борган кузатишларига кўра, 2018 йилда товар белгилари ва дизайнерларнинг ишлари энг кўп миқдорда қалбакилаштирилган².

Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Фуқаролик кодекси, «Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳуқуқлар

тўғрисида»³ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»³ги қонунлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни давом эттириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қатор халқаро конвенцияларни 2005 йил 19 апрелда, хусусан Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенциясини, «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар шартномасини ратификация қилди.

Контрафакт товарларнинг тарқалиши учун ҳозирги кунда интернет асосий ва қулай восита бўлиб, у дунё бўйлаб кенг кўламда ахборот тарқатиш занжири ҳисобланади. Бундан ташқари, интернетдан фойдаланувчилар миллиардлаб одамларни ташкил этади, бу эса маҳсулот сотишнинг энг қулай усуллари жумласига киради. Интернетдаги барча жараёнларни тартибга солувчи меъёрларга келсак, улар бугунги кунда мавжуд эмас. Ҳеч бир давлатда глобал тармоқда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар мавжуд эмас, бу эса, фойдаланувчиларга муаллифлик объектларини назоратсиз такрорлаш, нусхалаш ва янада тарқатиш учун жуда кенг имкониятлар яратади. Интернет глобал тармоғини қонун доираси билан ҳам чеклашнинг деярли иложи йўқ: натижада тармоқдаги муаллифлик ҳуқуқининг

бузилиши мунтазам ҳодисадир, бу билан курашиш жуда қийин ва баъзан фойдасиз⁴.

Товар белгиларининг контрафакт нусхаларини тайёрлаш ва уларни тарқатиш, шу орқали фойда кўриш, айниқса, кенг тарқалмоқда. ТРИПС шартномасига биноан контрафакт товар белгиси деганда, ҳар қандай товар белгисидан эгасининг рухсатисиз фойдаланиш, турли хил қадок ўрамларида уни кўрсатиш ва шу товар белгиси остида маҳсулот чиқариш тушунилади⁵.

Ўзбекистонда ҳам товар белгиларидан бошқалар томонидан ноқонуний тарзда фойдаланиш ҳоллари учрайди. 2016 йил Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан сув ишлаб чиқаришга мўлжалланган Nestle ва Family иштирокида кўриб чиқил-

ган ишда Family Nestleнинг товар белгисини озгина фарқлаш даражасида англаш учун қийин бўлган ўзгартиришларни киритиб, ўз маҳсулотларини чиқарган. Family Group ҚҚга қарши реклама фаолияти, Family water сувларини ишлаб чиқариш ва сотишда Nestlé савдо белгиси график элементларидан фойдалангани тўғрисидаги даъво апрелда тақдим этилган эди. Nestlé Pure Life минерал сувларига тааллуқли бўлган қўлларини юқорига кўтарган одамларнинг услублаштирилган силуэти (бир рангда ишланган контур сурат), шунингдек марказдан таралувчи кўк-мовий нурлар манзарасидаги айлана ана шундай қисмлардан саналади. Мазкур даъво «Ижтимоий фикр» маркази томо-

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада интеллектуал мулк соҳасидаги долзарб муаммолардан бири – контрафакт товарларнинг пайдо бўлиши, уларнинг тарқалишида роль ўйновчи асосий воситалар, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, контрафакт товар ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган жавобгарлик чоралари, шунингдек Ўзбекистон ва хориж олимларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, контрафакт, товар белгиси, муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

* * *

В данной статье исследуется одна из актуальных проблем в сфере интеллектуальной собственности – возникновение контрафактных товаров, основных средств, играющих роль в их распространении, вопросы защиты прав владельцев интеллектуальной собственности, предписанные меры ответственности для производителей контрафактных товаров, а также мнения ученых Узбекистана и зарубежных стран.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, контрафакт, авторское право, товарный знак, защита прав владельцев интеллектуальной собственности.

* * *

This article examines the existence of counterfeit products, as one of the topical problem in international standards of intellectual property protection and comparative analysis of national legislation, the basic ways legal fights with them as well as the opinions of scholars of Uzbekistan and other countries.

Key words: intellectual property, counterfeit, trademark, copyright, rights of intellectual property owners.

нидан Тошкент, Самарқанд ва Андижонда ўтказилган сўровномаларда ҳам ўз тасдиғини топди. Сўровномаларда 18 дан 45 ёшгача бўлган 300 кишининг фикри ўрганилиб, уларга бренд номлари бекитилган Family ва Nestlé Pure Life сувлари идишлари кўрсатилди.

58,5 % респондентлар савдо маркалари битта компанияга тегишли, дея маълум қилган бўлса, уларнинг 94 фоизи бунда Nestlé брендини эсга олди. Сўровномада қатнашган 53,2 % кишилар Family Nestlé компанияси томонидан ишлаб чиқарилади, деган фикрни билдирган. Респондентларнинг бундай хулосага келишига ўхшаш ёрликларда оила ва инсонлар шакллари-нинг тасвирлангани сабаб бўлган, деган хулосани чиқаради.

Суд Nestlé даъвосини қондириш, Family Group'га реклама фаолияти, Family water сувларини ишлаб чиқариш ва сотишда қўлларини юқорига кўтарган одамларнинг услублаштирилган силуэти ҳамда марказдан таралувчи кўк-мовий нурлар манзарасидаги айланадан фойдаланишни тўхтатиш мажбуриятини қўйди⁶.

Контрафакт маҳсулотлардан нафақат компаниялар, балки истеъмолчилар ҳам жуда катта зарар кўришади. 2018 йилда Европа Иттифоқида контрафакт товарлар улуши 6 % дан 8 % га ошди. Давлатлар томонидан қалбакилаштиришдан кўрилган зарарлар: Франция – 6,8 млрд. евро, Буюк Британия – 9,2 млрд. евро, Германия – 8,3 млрд. евро.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти экспертларининг фикрича, дунёдаги қалбаки маҳсулотларнинг аксарияти Хитой, Туркия, Сингапур, Таиланд ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилади⁷.

Ўзбекистон Республикасида контрафакт товарларга қарши кураш олиб боровчи ташкилотлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида қуйидагиларни кўри-

шимиз мумкин:

Давлат божхона қўмитаси. 2016 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Божхона кодекси⁸га Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш боби киритилди ва шу орқали Давлат божхона қўмитаси четдан кириб келаётган контрафакт товарларни дарҳол тўхтатиб қўйиш ва уларни олиб киришни тақиқлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Божхона ҳудудига олиб кириладиган ва божхона назорати остида турган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун божхона органлари:

- интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриши;

- интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши мумкин⁹.

Суд тизими. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1041 – 1081-моддалари, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасига кўра, асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177¹ –моддасига мувофиқ, асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарлар-

нинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш, асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш кураолларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур қонун-қоидалар ва жазолаш чораларига қарамасдан контрафакт товарларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчилар томонидан харид қилиш даражаси пасаймаяпти. Ушбу вазиятни таҳлил қилиб, бунга қуйидаги сабабларни келтиришимиз мумкин:

1. Сифатнинг яхшиланганлиги – контрафакт товарларни ишлаб чиқарувчилар ҳозирги кунда оригинал маҳсулот эгаси

фойдаланаётган материалларни ишлатиб, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда ва уни фарқлаш жуда ҳам қийин. Ва энг муҳим томони – уларнинг нархи анча арзон;

2. Маҳсулот сифатининг ошиши ва ушбу маҳсулотларни ҳақиқий деб ҳисоблаш уларни ҳақиқий маҳсулотлардан ажратиб кўрсатишни қийинлаштиради ва мижозлар бу маҳсулотларни сохта деб ҳисоблаши эҳтимоли камроқ;

3. Жавобгарликнинг паст даражада эканлиги. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик юқори даражада бўлиши керак. Японияда ушбу вазият учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Лекин, ўнлаб давлатлар фақатгина маъмурий жавобгарлик билан чекланиб қолишган, жумладан Ўзбекистон ҳам.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қонуний мустаҳкамламасдан, илм-фан ва технологияларни жадал ривожлантириш мумкин эмас.

Ш. ГАФУРОВА,

**Тошкент давлат юридик
университети магистранти**

¹ И.Б.Якубова – Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муаммолари: интернет тармоқларидаги плагиат ва қароқчилик // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2019.- № 4. – 71-76-б.

² Trade in fake goods is now 3.3% of world trade and rising - <https://www.oecd.org/newsroom/trade-in-fake-goods-is-now-33-of-world-trade-and-rising.htm>.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz.

⁴ Гарипов Э.П. Оригинальность как критерий охраны объектов авторским правом // Российская библиотека интеллектуальной собственности; URL: <http://www.rbis.ru/article.php?article=434>.

⁵ Agreement on trade-related aspects of intellectual property rights-51 модда – www.wipo.org.

⁶ <https://www.gazeta.uz/uz/2016/07/15/nestle/>.

⁷ Р. Ларшин - Способы выявления контрафактной продукции и борьбы с ней - // Российская библиотека интеллектуальной собственности; <https://zuykov.com/ru/about/articles/2019/05/16/sposoby-vyyavleniya-kontrafaktnoj-produkcii-i-borb/>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси – 382 модда - <https://lex.uz/docs/2876354#2885778>.

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Суд амалиётидаги аксарият низолар битимларни, шунингдек шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда улар қарз шартномаларидан келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 732-моддасида қарз шартномасининг тушунчаси қуйидагича ифода-ланган: «Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи-га) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммаси-ни) қайтариб бериш мажбуриятини олади».

Таърифдан кўриниб турибдики, пул ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёлар шартнома объектидир. Қарз олувчининг пул ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёлардан фойдаланиши фақатгина уларни истеъмол қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли, қарз олувчига қарз объектидан фойдаланиш муддати тугагандан сўнг айнан шу пул ёки ашёни қайтариш мажбурияти юкланиши мумкин эмас. Қарз шартномасининг конструкциясига яқин бўлган баъзи шартномалар (текин фойдаланиш, мол-мулкни ишончли бошқариш)да эса шартнома объекти фойдаланиш жараёнида ўзининг хусусиятларини йўқотмайдиган индивидуал — белгиланган ашёлар бўлганлиги сабабли айнан олинган ашёнинг ўзи қайтарилиши талаб қилинади.

Қарз шартномаси шартига кўра, қийматга эга олинган нарса шартномада кўрсатилган вақтда қайтарилиши лозим. Борди-ю, қайтариш муддати шартномада кўрсатилмаган бўлса, қарз қарзни берувчи талаб қилган вақтда қайтарилиши керак.

ФКнинг 733-моддасида қарз шартномасининг шакли кўрсатилган бўлиб, фуқаролар

ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бундан эса, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган пул суммаси қарзга берилган ҳолатларда шартнома оғзаки шаклда ҳам тузилиши мумкинлиги англашилади.

Амалда қарз шартномаси қарз олувчи томонидан қарз берувчига тилхат бериш орқали расмийлаштирилади. Бу қоида ҳам фақат фуқароларга нисбатан қўлланади. Чунки, юридик шахснинг раҳбари ёки бош ҳисобчиси ва вакил сифатида бирор ходими юридик шахснинг муайян суммадаги пулни қарзга олганлиги хусусида тилхат бериш ҳуқуқига эга бўлолмайди. Қарз тилхати қарз олувчининг имзоси билан тасдиқланади ва процессуал жиҳатдан далилга тенглаштирилади.

ФК 733-моддасининг учинчи қисмига кўра, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёхуд муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Албатта, қарз шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал этишда мажбуриятни ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, ФКнинг 735-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтаришни талаб қилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши кераклиги инобатга олиниши лозим.

Қарз шартномаси умумий қоидага кўра ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади, фоиз миқдори эса (агар фақат қонун ёки шартномада фоиз тўланмаслик хусусияти ўрнатилмаган бўлса), ФКнинг 734-моддасига биноан шартнома билан белгиланади. Ушбу шартномада фоиз миқдори ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлмаса, бошқа шахсларнинг

пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз тўлаш ФКнинг 327-моддасидаги қоидаларга биноан амалга оширилади.

Ушбу моддада белгиланган бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, қайтариб беришдан бош тортиш, тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз ундиришни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг алоҳида, ўзига хос бир чораси деб ҳисоблаш мумкин.

Тарафларнинг келишувига биноан фоизлар пул ёки натура шаклида тўланиши мумкин, бу қарзнинг предметига боғлиқ бўлмайди.

Қарз шартномаси бўйича фоизлар тарафлар томонидан келишилган ҳар қандай ҳолатда тўланиши мумкин, махсус кўрсатма бўлмаган тақдирда эса ҳар ойда, аммо шартномада қарз суммасини қайтариш муддатигача эмас, балки унинг ҳақиқий қайтарилиши кунигача тўланиб борилиши лозим.

Умумий қоидага биноан асосий сумма охириги навбатда қопланади. Демак, қарз фоизлари ҳам қарз суммасининг тўлиқ қопланганлигига қадар тўлаб борилади.

Қарз шартномаси пул мажбурияти бўлганлиги сабабли ҳам, ушбу шартнома шартларини бузишга нисбатан пул мажбуриятлари учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Бу ҳақда ФК 736-моддасининг биринчи қисмида аниқ кўрсатма берилган.

Ҳуқуқий адабиётлардаги қарз шартномасининг мазмуни хусусидаги фикрлар асосан шартноманинг бир томонламалик табиатидан келиб чиқиши ва шу сабабли қарз олувчида қарз объектини қайтариш ва фоизларни тўлаш мажбурияти мавжудлиги, қарз берувчи эса қарзни талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги билан боғлиқ. Бироқ, қарз шартномасининг асосий мазмуни деганда, шартнома нарсаси ва тарафларнинг хатти-ҳаракатларига оид шартлар мажмуи тушунилади.

Шартнома объекти турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлган вазиятларда қарз шартномаси матнида ушбу ашёларга боғлиқ қуйидаги жиҳатлар кўрсатилиши лозим: 1) қайтарилиши лозим бўлган ашёларнинг номи ва миқдори; 2) ашёларнинг ассорти-

менти, сифати ва туркуми (комплектлиги); 3) ашёларнинг қарз берувчидан олинган ашёларга мувофиқлигини текшириш тартиби; 4) ашёларни қарз берувчига етказиб бериш; 5) қарз берувчига қайтарилган ашёлардаги нуқсонларни аниқлаш, уларни қайд этиш ва қарз берувчига эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли (ФКнинг 737-моддаси).

Қарз олувчи қарз шартномаси бўйича умуман пул олмаслиги ёки шартномада кўрсатилган пулнинг бир қисмини олиши мумкин. Бундан ташқари қарздордан алдов йўли билан тилхат олинishi эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолларда қарздорни қарз берувчидан ҳимоя қилувчи восита шартнома бўйича пул берилмаган деб қарашдир.

Ушбу қоидаларни ФКга киритишдан мақсад, қарз шартномасининг реал табиатга эга эканлиги билан изоҳланади. Қарз беришга нисбатан томонларнинг келишуви қандай бўлганлигидан қатъи назар, ҳуқуқий муносабатлар шартнома предмети қарз олувчига берилган тақдирдагина юзага келади ва шу вақтдан бошлаб қарздорнинг қарз берувчидан олган нарсаларини қайтариш мажбурияти келиб чиқади.

Қарз шартномаси бўйича пул берилмаган деб топилиши қарздорга бошқа ҳолларга нисбатан анча енгиллик туғдиради. Агар қарз шартномаси алдов, зўрлаш, қўрқитиш, ғаразли мақсадлар билан ёки оғир шароитларда тузилган бўлса ва мажбурий ёзма шаклга риоя қилинмаган бўлса, у ҳолда қарз олувчи қарз шартномасини бекор қилиш учун гувоҳ кўрсатмаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Лекин, ФКнинг 737-моддасида қарз шартномасини гувоҳ кўрсатмаларидан фойдаланиб бекор қилиш асослари тўла санаб ўтилган ва томонлар бу қоидаларни тўғридан-тўғри талқин қилишга мажбур.

Агар томонлардан бири пул олмаганлигини исботлай олса, у ҳолда шартнома тузилмаган деб ҳисобланади. Агар ҳақиқатда берилган пул шартномада кўрсатилганидан кам бўлса, шартнома шу суммага тузилган ҳисобланади.

Шу ўринда бир мисол.

Даъвогар С.Рахимованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишончли вакили Д.Курызов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Ф.Йўлдошевдан даъвогар С.Рахимова фойдасига 37 602 810 сўм асосий қарз, 1 504 113 сўм тўланган давлат божини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво қаноатлантирилган.

Жавобгар Ф.Йўлдошевдан даъвогар С.Рахимованинг фойдасига 4500 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати ҳисобида 37 602 810 сўм асосий қарз, 1 504 113 сўм давлат божи учун тўланган сумма, жами 39 106 923 сўм ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг 2020 йил 23 январдаги ажрим билан биринчи инстанция судининг 2019 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, даъвогар С.Рахимованинг фойдасига жавобгар Ф.Йўлдошевдан 4 196 100 сўм асосий қарз, 167 844 сўм тўланган давлат божи, 14 190 сўм почта харажатлари, жами 4 378 134 сўм ундирилган.

Аниқланишича, жавобгар Ф.Йўлдошев даъвогар С.Рахимовадан 2014 йил 29 сентябрда 2000 АҚШ доллари олганлиги, ушбу олган қарзини олти ой ичида қайтариб бериш тўғрисида тилхат ёзиб берган.

Шунингдек, жавобгар Ф.Йўлдошев томонидан 2015 йилда С.Рахимовадан олган пулнинг қолган қисмини 2500 АҚШ долларидан 2018 йилда ишлаб май ойидан бериб бориши тўғрисида тилхат ёзиб берилган (2018 йил январь ойида).

Биринчи инстанция суди низони ҳал этишда жавобгар Ф.Йўлдошев томонидан даъвогардан қарз олганлиги юзасидан ёзилган тилхатларга, хусусан, бўяб ёзилган тилхатга ҳуқуқий баҳо бермасдан, иш ҳолатларини синчковлик билан текширмасдан, жавобгар Ф.Йўлдошев даъвогар С.Рахимовадан 2014 йилда 2000 АҚШ долларини қарзга олиб, қарзини ҳали қайтармаган бир ҳолатда яна даъвогар унга 2018 йилда 2500 АҚШ долларини қарзга бериши мумкинлигини синчковлик билан текширмасдан, ўз ҳулосаларини фактик жиҳатдан асосламасдан, даъвони тўлиқ қаноатлантириб, хатоликка йўл қўйган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2019 йил 7 июндаги ҳулосасида «Ф.Йўлдошев томонидан санасиз ёзилган 2500 АҚШ доллари сўзлари билан бошланиб, қўлим билан ёздим Ф.Йўлдошев» сўзлари билан тугаган тилхатдаги 500 АҚШ доллари сўзлари биринчи ёзилган бўлиб, 2 рақами қўшиб ёзиш билан асосий матн ёзилгандан кейин амалга оширилганлиги қайд этилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича шаҳар судининг 2019 йил 13 ноябрдаги ҳукми билан С.Рахимова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддасининг биринчи қисми ва 25, 168-моддалари билан айбли деб топилиб, унга нисбатан тегишли жазо тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 11 декабрдаги ажримида Ф.Йўлдошев С.Рахимовадан 2500 АҚШ долларини қарзга олмаганлиги, балки илгари олган қарзидан қолган 500 АҚШ долларини май ойидан бера бошлаши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 75-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилганлиги ёки этилмаганлиги масалалари юзасидан мажбурийдир.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди даъвогар С.Рахимованинг жавобгар Ф.Йўлдошев ундан 2500 АҚШ доллари қарз олганлиги ҳақидаги вазлари билан келишмасдан, Ф.Йўлдошев томонидан 2018 йилда ёзилган тилхатдаги «2» рақами 500 рақамидан кейин ёзилганлиги ҳақидаги эксперт ҳулосасини инобатга олиб, ҳозирги кунда Ф.Йўлдошевнинг даъвогар С.Рахимовадан 500 АҚШ доллари миқдорида қарзи мавжуд деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини ўзгартирган.

Х. БАЛТАЕВ,
Фуқаролик ишлари
бўйича Хоразм вилоят
суди судьяси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Кишилар, фан тилида айтганда, шахслар қатнашган муносабатлар ижтимоий муносабатлар саналиши оддий аксиомадир. Ижтимоий муносабатлар эса, тарихан шаклланган: ахлоқий, диний ва ҳуқуқий муносабатлараро бир бутунликка эга бўлади. Ҳар бир муносабат, ўз навбатида, муайян элементлари (таркибий тузилиши)га эгадир: муносабат субъектлари, объектлари ва мазмуни. Улар орасида ҳуқуқий муносабат давлат ваколатли органлари томонидан регламентлаштирилганлиги (эътироф этилганлиги – ҳуқуқий ифодаланганлиги, санкцияланганлиги) билан ўзига хосдир. Бугунги замонамизда ҳуқуқий муносабат ҳам серқирра бўлиб, у ҳуқуқнинг турли соҳалари (давлат (конституциявий), фуқаролик, меҳнат, хўжалик, жиноят, маъмурий ҳуқуқ соҳалари каби) билан тартибга солинади...

Муносабат мазмуни ҳар бир муносабатнинг финали, умумий маҳражи ҳисобланиб, субъектларнинг ҳуқуқ ва бурчларидан иборатдир. Уларнинг хатти-ҳаракатлари қаратилган нарса (предмет)лар муносабат объектларидир. Муносабат объектлари кенг маънода қуйидаги турларга фаркланади: эркин муомаладаги, чекланган муомаладаги ва эркин муомаладан чиқарилган объектлар. Ва шунга қараб объектлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Муносабат мазмунини тўлиқ ва тўғри (яъни, мақсадга мувофиқ) реализация қилиш, муносабат объектини ўзлаштириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун муносабат субъектлари майдонга чиқади. Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқ субъектларининг фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар ва давлат турлари эътироф этилган. Таъкид-

лаш лозимки, ҳуқуқ субъектисиз ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни амалга ошириш мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларда иштирок этувчининг ҳуқуқ субъекти мақомига эга бўлишини талаб этади. Ҳуқуқ субъектчилиги эса, ўз навбатида, ҳуқуқий лаёқат тушунчаси билан боғлиқдир. Ҳуқуқий лаёқат ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати каби икки таркибий қисмдан ташкил топади. Шахс ҳуқуқ лаёқатининг ана шу икки таркибий қисмига бир вақтнинг ўзид ага бўлишидан келиб чиқиб, унинг тўлақонли ҳуқуқ субъектчилиги англашилади.

Бир жиҳат эътиборли: фуқаролик ҳуқуқи соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати у туғилиши билан, тўла муомала лаёқати эса, 18 ёшга тўлгач вужудга келади. Юридик шахсларда ҳуқуқ ва муомала лаёқати бир пайтда вужудга келади. Фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларга эга бўлмаган шахслар ҳуқуқий муносабатда мустақил субъект сифатида қатнаша олмайдилар. Масалан, вояга етмаган шахс тўлақонли олди-сотди муносабатларида қатнаша олмайди. Фуқаролик кодекси ўрнатган тартибга кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди (47-модда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда¹. Чунки,

ўтган давр мобайнида халқимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, давлат иқтисодий-ётининг ривожланиши, ижтимоий соҳадаги ютуқлар, демократик ислохотларнинг натижалари сарҳисоб қилинади. Республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган қонунларнинг ижросини таъминлашдан иборатдир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси²да қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш бобида: жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Ушбу вазифалар ижросига қонунларни қайта кўриб чиқиш ва адолатли дунёвий андозаларга мос қонунларни яратиш билан эришилади. Бу конституциявий тамойилларга асосланган ҳолда, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги нуфузи кун сайин ошиб бормоқда. Халқаро миқёсдаги ютуқларга мавжуд натижалар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг таъминланиши натижасида эришилади. Механизм сиртдан қараганда жуда оддий: Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳужжатларни имплементация қилиши, унинг талабларини қонунларимизга сингдириши ва ижроси. Тўғри, Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олганмиз.

Аммо, айнан ўша ерда «инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигимизни» эълон қилганмиз, «ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб» иш кўрганимизни ҳам билдирганмиз. Энг муҳими, давлатимизнинг бош ижтимоий вазифаси – фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсади эканини баён этганмиз.

Моҳиятга кириб борар эканмиз, халқаро ҳужжатларнинг қонунларимизга сингдирилишида миллий қонунчилик талаблари, миллий манфаатларимиз инкор этилишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни қўйган талабга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, шунингдек ушбу Қонунга ҳамда халқаро шартномаларнинг ўз қоидаларига мувофиқ тузилади, бажарилади, тугатилади ва уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилади³.

Ўзбекистон Республикаси «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ–158-сонли Қонун билан ушбу конвенцияга айрим билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилди (Ўзбекистон Республикаси учун 2008 йил 28 августдан кучга кирган). 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни тасдиқланди. Ушбу Қонуннинг моҳияти инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланишида коррупциявий муҳитга

барҳам бериш ва унинг олдини олишга қаратилганидадир. Ўзбекистон Республикаси конвенцияга қўшилиши билан унинг талабларини қабул қилиш вазифасини қонунларимизга сингдириш ва амалий таъминлаш вазифаларини ҳам олади.

Кун мавзусига доир турли давраларда Коррупцияга қарши конвенциянинг 26-моддасидаги «юридик шахслар жавобгарлиги» масаласи юзасидан ОЭСР (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) томонидан «Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаган», деган эътирозлари бир неча бор таъкидланмоқда. ОЭСР тавсияларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига «Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги»ни киритиш тавсия этилади. Ушбу ташкилотнинг Ўзбекистонда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилашни тавсия қилишидан қандай мақсад кўзлаганлиги аниқ эмас. Ўзбекистонда ўрнатилган тартибга кўра, юридик шахсларнинг жавобгарлиги нима учун талабга жавоб бермаслиги ҳақида ҳеч қандай асослар баён қилинмаган, айни вақтда фуқаролик-ҳуқуқий тартибда кўрилишига ҳам эътироз билдирилмаган. Қолаверса, конвенция 26-моддасининг биринчи қисмида «ҳар бир иштирокчи-давлат ушбу конвенцияга мувофиқ жиноятларда иштирок этганлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилашда ўзининг ҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда чораларни кўриши»га ишора мавжуд. Конвенция 26-моддасининг иккинчи қисмига кўра, иштирокчи-давлатнинг ҳуқуқий принципларига риоя қилган ҳолда, юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноий, фуқаролик ёки маъмурий бўлиши мумкин⁴. Лексик, семантик нуқтаи назардан чуқур таҳлилга тортилса, бу ўринда «мумкин» – мумкин эмасликни ҳам билдиради.

Мамлакатда амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган иқтисодий ислохотларда давлат бош ислохотчи ва иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштирувчи

(иқтисодий муносабатларда монополияга йўл қўймаслиги, бозор муносабатларидаги заиф томон ҳисобланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлигини таъминлаши, ижтимоий ҳимояни шакллантириш чора-тадбирларини амалга ошириши) сифатида намоён бўлар экан, бунда қонун чиқарувчи (яъни, давлат)нинг иқтисодий муносабатларга қонуний аралашуви чегараларини аниқ белгилаш, давлат ва бозор муносабатларининг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни шартномавий тартибига қатъий амал қилиш зарурияти юзага келди. Албатта, бозор муносабатларига ўтиш бўйича республикада ўтган даврда давлат ва бозор муносабатларининг бошқа иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий, ҳуқуқий алоқаларнинг муайян механизми шакллантирилди ва бунда асосий восита сифатида шартномаларга катта эътибор қаратилди. Бироқ, ўтиш даврида мамлакатнинг бозор иқтисодиётига яқинлашиб бориши сари бундай алоқаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши такомиллашиб бориши ва секин-асталик билан маъмурий тартиб ўз ўрнини фуқаролик-ҳуқуқий институтларга бўшатиб бериши сир эмас. Тан олиш керак, давлат мустақиллигининг ўтган йилларида «давлатнинг бошқарув соҳасидаги роли инкор этилса, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан иқтисодиётнинг бозор тамойилларига ўтишини таъминлаш қийин бўларди. Ўз-ўзидан равшанки, бозор муносабатлари меъёри мустаҳкамланиб, ислохотларнинг ортга қайтмаслиги таъминланиб борган сари давлатнинг таъсири ҳам шунга мувофиқ равишда изчиллик билан камайиб бораверади (жузъий таҳрир бизники – муаллифлар)⁵».

Шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг дастлабки давларида давлатнинг бош ислохотчилик функциясида маъмурий-ҳуқуқий институтларнинг кенг амал қилиш ҳолатлари табиий ҳол сифатида қаралди. Бунда, давлат мамлакатдаги турли иқтисодий номутаносибликларни бартараф

этишда, ўрта қатлам вакиллари иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва шу орқали аҳолининг қашшоқлашиб кетишининг олдини олишда маъмурий усуллардан фойдаланишга мажбур бўлди. Бозор муносабатлари муайян маънода шаклланиб боравериши билан иқтисодий муносабатларда давлат иштирокидаги маъмурий тартиб ўз ўрнини фуқаролик-хукукий тартибларга бўшатиб бермоқда. Шу маънода юридик шахсларнинг жавобгарлиги доираси, ҳажми ва характери таҳлил этиш, мунозарага киришиш ҳам қизиқарли, ҳам манфаатли, ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Аслини олганда, миллий юриспруденцияда, хусусан, фуқаролик ҳукуқи назариясида юридик шахсларнинг жавобгарлик макomini белгиловчи доктринани заиф, деб бўлмайди.

ОЭСРнинг тавсиялари, эҳтимол, Ўзбекистон қонунларининг тўлиқ ўрганилмаганлиги ва Конвенция 26-моддаси талабларининг тўғри талқин қилинмаганлиги натижаси бўлиши мумкин. Конвенция 26-моддасининг иккинчи қисмида юқорида қайд этилганидек, жиноий жавобгарлик эмас, балки умуман жавобгарлик ҳақида гапирилади ва ҳар бир иштирокчи-давлат ўзининг ҳуқуқ тизимидан келиб чиққан ҳолда, юридик шахсларнинг жиноий, фуқаролик-хукукий ёки маъмурий жавобгарлигини белгилаши мумкин экани белгиланган. Асли предмети шу масала бўлган қонун – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 48-моддасида юридик шахснинг жавобгарлиги белгиланган. Ўз-ўзидан тушунарли: сўз юридик шахсларнинг фуқаролик-хукукий жавобгарлиги ҳақида кетмоқда. Унда «юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради», дейилади. Юридик шахсга берилган таърифга кўра, ўз мулкида, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга

бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади (ФКнинг 39-моддаси). Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. Ушбу қоидадан юридик шахснинг қуйидаги ўзига хос белгилари келиб чиқади: ташкилий бирлик, мулккий мустақиллик, мустақил мулккий жавобгарлик, фуқаролик муомаласида ўз номидан қатнашиш. Юридик шахс шундай тузилмаки, унда (муассис, муассисларнинг) гоё, саъй-ҳаракат ва капиталлари ягона мақсад йўлида бирлашади. Шундан келиб чиқиб, юридик шахсларнинг икки тури фарқланади: тижоратчи ташкилотлар (фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган) ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар (фойда олишни мақсад қилиб олмаган ташкилот).

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари унинг ўзига хос Конституцияси бўлиб, у устав (низом) ёки таъсис шартномасидан иборат. Таъсис шартномаси муассислар томонидан тузилади, устав ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатида унинг номи, жойлашган ери (почта манзили), фаолият мақсади ва предмети, бошқариш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш, шунингдек тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак.

ФК 55-моддасининг (юридик шахсни тугатиш тартиби) ўн биринчи қисмига кўра, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш, шунингдек уларни муассислари йўқлигида тугатиш таомили ва хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ушбу масала Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади⁶. Юридик шахснинг тугатилиши ҳақида-

ги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади. ФК 72-моддасининг (оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси) бешинчи қисмига кўра, «давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар (лат. *subsidiarius* – резервли, қўшимча) жавобгар бўлади». ФК 76-моддасининг (муассасалар) учинчи қисмида назарда тутилган тартиб ва шартлардан муассасанинг фаолияти мулкдор томонидан унинг олдига қўйилган мақсадлари билан белгиланиши ҳақида ҳулосага келамиз. Яъни, муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Шуниси муҳимки, давлат корхонаси таъсисчининг, яъни давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Ҳа, умумий қоидага кўра, юридик шахс қарздор сифатида мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарар (бунда зарар фуқаролик ҳуқуқида икки таркибий қисмдан: ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдадан иборат бўлишини ҳам унутмаслик лозим – муаллифлар)ни тўлайди, йўқ, тўлаши шарт (ФКнинг 324-моддаси). Юридик шахслар характерига кўра, пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгар бўлиши мумкин, солидар, субсидиар, учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун қарздор юридик шахс жавобгар бўлиши мумкин.

Деликт мажбуриятларда фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, юридик шахс ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни ҳам қоплайди. Баъзан, чекланган жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Бироқ...

Дарвоқе, ўз даврида академик Ҳ.Раҳмонқулов шундай таъкидлаганди: ...фуқаролик

ҳуқуқи предмети мулкӣ ва мулк билан боғлиқ муносабатлардан ташкил топар экан, бундай муносабатларни тартибга солиш методи биринчи галда тарафларнинг ҳуқуқий тенглигига асосланади, иккинчидан, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бузилганлиги учун жавобгарлик тарафларнинг шахсига эмас, балки мулкига нисбатан қаратилади. Бундай жавобгарлик зарар етказилган ва уни ундириш учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган сабаблар юз берган тақдирда ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқни ва мажбуриятни бузган шахс зиммасига ҳар қандай шароитда юклатилади⁷.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасининг янги таҳририга кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги:

агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, қарздор шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса – олти ой ичида бажарилмаган бўлса;

агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида уч юз бараварини ташкил этса, қарздор шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш минг бараварини ташкил этса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор макomini йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса базавий ҳисоблаш миқдорининг камида йигирма бараварини ташкил этса, қарздорнинг банкротлик аломатлари ҳисобланади⁸.

Юридик шахсларнинг жавобгарлигига доир ҳуқуқдаги новеллалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги

Қонунининг «Шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланган 5-бобида ҳам ўз аксини топган. Айниқса, шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлигига бағишланган 35-модда кун мавзусини жиддий ёпади. Яъни, шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофик фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176¹, 176², 212 ва 214-моддаларига мувофик маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофик жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Яна бир мулоҳаза. Конвенциянинг 26-моддаси бўйича аъзо давлатларда жавобгарлик масалаларини ҳам ўрганиб чиқиш керак. Жумладан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги фақат Литва, Молдова, Украина, Францияда жиноятнинг субъекти сифатида назарда тутилганини кўриш мумкин. Қирғизистон Жиноят кодексида эса, жиноятнинг субъекти бўлмаслиги нормаланган ҳолда, жиноий-ҳуқуқий характердаги чоралар қўлланилиши белгиланган. Шахсни жиноят субъекти сифатида эътироф этмай туриб, унга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилиши чора эмас, аксинча ноқонуний жазо ҳисобланади. Шахс буни жазо сифатида қабул қилади, унинг чора деб аталиши моҳиятан нотўғридир. Қолаверса, унутмаслик керакки, жиноят иши шахсга (бу ўринда шахс – индивид, жисмоний шахс) ва фактга нисбатан

қўзғатилади. Ушбу давлатлар қонунларида юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг назарда тутилганлиги ҳали амалиётнинг тўғри қўлланилаётганини англатмайди. Бу чуқур тизимли таҳлилларга муҳтож.

Хориж давлатларида юридик шахсларнинг жавобгарлиги асосан фуқаролик-ҳуқуқий қонунларда белгиланганини кўриш мумкин. Жумладан, Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Молдова, Қозоғистон, Россия, Украина, Туркменистон ва ҳ.к. Ушбу давлатлар ҳам Коррупцияга қарши конвенцияни ратификация қилганлигига қарамай, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини Жиноят кодексларига киритмаган.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини Жиноят кодексига киритилишидан қандай натижага эришиш мумкин? деган савол туғилади. Юридик шахслар жавобгарлигининг жиноий-ҳуқуқий белгиланиши муайян салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, юридик шахсларнинг жавобгарлигини жиноий тарзда белгиланиши билан амалда қўлланилаётган чоралардан ташқари, ҳеч қандай чораларни тақлиф қилиб бўлмайди, юридик шахсларга иқтисодий (аввалги хўжалик) судлар томонидан жарима, фаолиятини тўхтатиб қўйиш, юридик шахсни банкрот деб топиб, тугатиш чоралари қўллаб келинади. Ушбу чораларни Жиноят кодексида белгиланишида бундан оғир чорани тақлиф қилиб бўлмайди. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланиши натижасида қуйидаги ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий салбий оқибатларнинг келиб чиқиш эҳтимоли жуда юқори:

- юридик шахс мақомига эга бўлиб тадбиркорлик фаолияти юритаётган минглаб субъектларнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигади улуши салмоқли бўлиб, улар меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисмини қамраб олган – ижтимоий портлаш юз бериши эҳтимоли мавжуд;

- ҳолат судларнинг ихтисослашувида номутаносибликларга ва ишларнинг кўрилишида сифат кўрсаткичларининг салбий

томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги кўрилишида судловга тааллуқлилиқ масалаларида ҳам муаммолар туғилади, иқтисодий судларга нисбатан жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жавобгарлик масалаларига доир ишлар сифатли кўрилишига путур етиши мумкин. Амалда иқтисодий судлар айнан юридик шахсларнинг жавобгарлигини кўрадилар, жиноят ишлари бўйича судлар ушбу ишлардан ташқари бошқа жиноят ишларини ҳам кўришлари керак;

- бу ҳол олиб борилаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлиги сиёсатига ҳам зид бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг репрессив жавобгарлиги оқибатларига ҳам олиб келади. Шунингдек, юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноий-ҳуқуқий тарзда белгиланиши юридик шахсга нисбатан бизнес-ҳамкорлараро ишончсизлик келиб чиқишига, ҳамкорлар камайишига, охир-оқибатда банкротликка ҳам олиб келиши мумкин. Бу юридик шахсда ишлаётган ходимларнинг иш ўринлари йўқолишига, ишсизликка сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро-

лик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси⁹да 1995–1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ўтиш даврининг кенг кўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнагани ва мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратишга имкон бергани белгиланиб, бундан буён ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, жумладан, зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлаш назарда тутилди.

Шу сабабли, мазкур масаланинг қонуний ечимини топишда, ҳеч шубҳасиз, миллий манфаатларимиз устувор бўлиши ҳамда ҳуқуқ тизимимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

Б. АХРАРОВ,
Юристлар малакасини ошириш
маркази профессори,

М. БАРАТОВ,
Тошкент давлат юридик
университети профессори

¹ Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда, 20-сон.

³ // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2019 йил, 03/19/518/2589-сон.

⁴ Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2008 г., № 3-4.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 189-б.

⁶ // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.08.2019 йил, 09/19/704/3608-сон.

⁷ Ҳ.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2003. 27-б.

⁸ // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 63-модда. 4-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 декабрдаги ЎРҚ–594-сон Қонуни таҳририда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 йил, 03/19/594/4153-сон.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф–5464-сонли Фармойиши // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 йил, 08/19/5464/2891-сон.

БОШҚАРУВДА МАФКУРА ТАМОЙИЛЛАРИ

Мафкура барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этадиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамият аъзоларининг эзгу орзу-интилишлари, туб манфаатларини ўзида акс эттирадиган ва шу йўлда бирлаштирадиган, сафарбар этадиган, муттасил ривожланиб борадиган энг муҳим тушунча ва тамойиллар тизимидир. Мафкура соғлом фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий ғурур-ифтихор, ор-номусни уйғотадиган, ўзликни англатадиган, халқнинг мақсади ва орзу умидлари рўёбга чиқишига куч-қудрат берадиган, миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омилдир.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида миллий ғоя ва мафкурани ривожлантириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур¹.

Одамлар «дунёқараш» билан «мафкура» тушунчаларини бир хил тушунчалар деб қарашади. Бу тўғри эмас, дунёқараш – анча кенг тушунча. Дунёқараш инсонда доимо мавжуд бўлади, лекин мафкура барчада, доим ҳам бўлавермайди. Дунёқараш оламни тасаввур қилиш, англаш, воқеиликни ҳис қилиш. Атроф-муҳит тўғрисидаги инсоннинг тасаввурлари. Шу тасаввурларига қараб у ёки бу мақсадларни белгилайди ва мавжудлигини таъминлашга интилади. Агар инсон шу одатий ва табиий инстинкларидан фарқли ўлароқ «мен ҳаётимни ўзгартиришим керак», деган тушунчага келса, бу мафкурадан далолат беради. Бурч ва масъулиятни англаш мафкурани яратади. Келажак

авлод учун озод ва обод ватан қолдиришни англаш – бу мафкура орқали рўёбга чиқарилади.

Ҳар қандай таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч-этиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Миллат ва давлатнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасини ташкил этади².

НЕГА БОШҚАРУВ МАФКУРАСИ КЕРАК?

Бошқарув мафкураси ривожланган жамоада ходимлар нафақат пул учун, балки ғоя учун ишлайдилар. Одамларга мазмун керак. Маълумки, меҳнат фақат манфаатдорликка асосланса, унинг мазмуни бўлмайди ва у инсонга ҳеч қандай озуқа бермайди. Инсон ҳаётидан доимо мазмун-моҳият излайди ва ўз руҳияти эҳтиёжларини қондириш воситаларига интилади. Бу инсоннинг табиати! Шунинг учун меҳнат туридан қатъи назар, агар фаолият нафақат даромадга, яна руҳий қаноатланишга хизмат қилса, бу инсон ҳаётининг мазмунини ташкил қилади. Меҳнат фаолиятининг мазмуни – ишга бўлган фидойиликнинг гарови! Шундай экан, инсон моддий ва маънавий олам уйғунлигининг ҳосиласи. Шулардан қайсидир жихат ҳисобга олинмаса, ходимдан бунёдкорлик, ташаббус, яратувчанлик, айниқса, садоқатни кутиб бўлмайди.

Бугун аксарият раҳбарлар ва ходим мутахассислар ҳамда тадбиркорлар жамоанинг пухта ишлаб чиқилган мафкураси барқарор иқтисодий самарадорликнинг гарови бўлиб

хизмат қилишига кўпроқ амин бўлмоқдалар. Шундай экан, жамоа мафкураси нима?

Биринчидан, жамоа мафкураси самарали иш фаолиятини ташкил этишга қаратилган ғоялар мажмуи. Ташкилот миссияси, тамойиллари, кадриятлари, истиқбол мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қарашлар тизими. Жамоа концепцияси – мафкуранинг асосини ташкил қилади. Мафкура идеаллар бор жойда шаклланади. Идеалларнинг мавжудлиги бошқаруving самарадорлиги билан таъминланади. Мафкуравий рағбатларсиз ишлаш мумкин, аммо жиддий натижаларга эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, жамоа мафкурасига ташкилот низом-қоидалари (стратегия, операцион режалар, буйруқлар, фармойиш, баҳолаш мезонлари, шунга мувофиқ ҳисоботи, тадбирлар режаси) жамламаси киради. Концепция амалга оширилишга қаратилган ғоялар тизимини шакллантиради. Яъни, мафкуранинг амалиётга кўчиб ўтиш тажрибасини оммалаштиради.

Учинчидан, жамоа мафкураси – жалб этилган ходимларнинг эмоционал даражаси, ҳолати, корпоратив мақсадларга содиқлиги, ўрнатилган тартиб-нормаларга муносабати, бир сўз билан айтганда компаниянинг руҳиятини ифода қилади. Руҳият баланд бўлса, натижалар юксак бўлади.

Сир эмаски, кўпчилик учун мафкура – бу фақат куруқ сўзлардан иборат, деб қараш шаклланиб қолган. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос тарихий ва объектив сабаблари бор. Субъектив сабаби корпоратив бошқарув моҳияти ходимнинг фаолият мазмунини ташкил қилмайди. Афсуски, бошқарувдаги маъмурий ёндашувлар ўз яшовчанлигини сақлаб келмоқда. У нафақат бошқарув механизмларида, балки инсон онгида ҳам турғунликнинг омили бўлиб турибди. Сиёсий ва иқтисодий жараёнлар даъвати эса, янги ижтимоий муносабатларни талаб қилаёпти. Бу муносабатлар ҳали-ҳамон шаклланиши қийин кечаётган бозор иқтисоди, инновацион ғоялар, IT технологиялар ва креатив давр-

боп кадрларни талаб қилмоқда. Шундай экан, ижтимоий қонуниятлар моҳиятига зид ҳаракатлар ижтимоий тараққиёт имкониятларини бермайди.

ЖАМОА МАФКУРАСИНИНГ МАҚСАДИ:

- жамоанинг стратегик мақсадларини ишлаб чиқиш;
- корпоратив манфаатлар элементларини асослаш;
- реал истиқбол тасаввурларини шакллантириш;
- жамоада хулқ-атвор ва рағбатлантириш омилларига асосланиш;
- функционал вазифалар тақсимотини белгилаш;
- ташқи муҳитда компания қиёфасини ифода этиш.

Бугунги шароитда мазкур расмийликдан холи бўлган компаниянинг реал ва амалий мафкурасини қандай қилиб ташкил қилса бўлади? Ходимлар меҳнат фаолияти самарадорлигини кўтаришга, уларда ишонч ва умид туйғуларини ўстириш, салоҳиятларидан унумли фойдаланиш, эзгу ва бунёдкор мақсадларга сафарбар қилиш, фидойилик ва садоқат фазилатларини шакллантириш борасида қандай мурватларни жорий этиш билан эришса бўлади?

БОШҚАРУВ МАФКУРАСИ

Бошқарув мафкураси ташкил топиш ва ривожланиш қонуниятларига эга. Унинг ҳар бир элемент ва бочкичларга амал қилиши билан яхлит мафкуравий бошқарув вужудга келади. Жумладан, бошқариш мафкурасининг қуйидаги босқич қоидалари мавжуд.

- а) Биринчи босқич, маънавий мезонлар:
 - мақсадли ходимларни мақсад билан танлаш;
 - ходимларнинг компания идеалларига содиқлигини таъминлаш;
 - маънавий ва касбий мукамалликка интилиш;
 - мутахассис ва шахс салоҳиятига ҳурмат кўрсатиш;

- индивидуал ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

- корпоратив маданиятга амал қилиш;
- консенсус асосида қарорлар қабул қилиш;

- ходимлар фаолиятини индивидуал баҳолаш;

б) иккинчи босқич, ташкилий мезонлар:

- мақсадли ва манзилли қарорлар қабул қилиш тизимини шакллантириш;

- жамоа стратегиясини ривожлантиришнинг аниқ тактикасини ишлаб чиқиш;

- кадрлар фаолиятини ташкил этишда мустақил масъулиятини ошириш;

- салоҳият ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш механизминини ишлаб чиқиш;

- бошқарувнинг коллегиял асосларини ташкил этиш.

МАФКУРАНИНГ АМАЛИЙЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАШ МУМКИН?

Мафкуранинг мазмуни – бу нафақат чиройли ва танланган иборалар, балки инсон қалбига яқин бўлган руҳий даъват. Мафкуранинг мазмуни тамойиллар, қадриятлар, мақсад ва вазифаларни шакллантириш орқали вужудга келади. Мафкура мазмун ва шаклнинг уйғунлиги. Таъкидлаб ўтганимиздек, жамоа мафкураси ташкилот таркибини, миссиясини, тамойиллари, бренди, қадриятларини ўзида мужассам этади.

1) *таркиб*: - янги авлоднинг танловидан (қарашларидан) иборат бўлади;

2) *миссия*: «Ўзбекистонни юксалтириш, барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш», «ривожланиш, дахлдорлик, кафолатлилик, шерикчилик, Ўзбекистон истиқболи»;

3) *ташкилот бренди*: «Ривожланиш имконияти», «Одамларни тараққиёт сари руҳлантириб, биз муносиб келажак барпо этишга ишонамиз», «Инвестиция, инновация, технология – фаолият мезонимиз!» каби шиорлар муваффақиятга рағбатлантириш, ишонч, шижоат, ташаббусни рағбатлантиради;

4) *қадриятлар*: ходимнинг инсоний ва касбий салоҳиятларини ҳисобга олиш амалиёти каби ҳаётий амаллар мафкуравий мазмуннинг асосини ташкил этади.

ЖАМОА МАФКУРАСИ ХОДИМЛАРГА ҚАНДАЙ ЕТКАЗИЛАДИ?

Даставвал, раҳбариятнинг ибрати, ўқув орқали янги ғояларнинг етказилиши, норматив-меърий ҳужжатларнинг мақсадларга мувофиқлиги, устоз-шогирд анъаналари, инновацион ёндашувлар, уларни бошқарувнинг барча бўғинларига татбиқ этилиши, рағбатлантирувчи тизимнинг жорий этилиши лозим. Бундан ташқари тарғибот ва ташвиқот, рекламага аҳамият қаратиш орқали ташкилотнинг стратегияси ифода қилинади ва жамоанинг умумий манфаатдорлиги шакллантирилади. Буларнинг барчаси мафкурани ифода этиш воситаси, айни пайтда, бошқаруви бўлиб хизмат қилади.

ЖАМОАНИНГ МАФКУРАВИЙ ФУНКЦИЯСИ:

- сафарбарлик – ғояларнинг универсаллиги орқали жамоа бирлиги вужудга келади ва гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга (ёки ҳаракатсизлик) ундайди;

- аксиологик ёндашув – ижтимоий аҳамиятга молик характердаги қадриятларни шакллантириш ва жорий этиш;

- башорат қилиш – истиқбол мақсаднинг идеал шаклини ишлаб чиқишни талаб қилади ва у келажакда нима бўлиши мумкинлиги эмас, балки нима бўлиши кераклигини англатади;

- норматив ёндашув – ҳуқ-атвор, идрок, фикрлаш, муносабатлар ва бошқаларни тартибга солишда қоидаларни жорий этиш;

- ўзини ўзи идентификация қилиш – гуруҳ аъзолари фаолият мезонларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш имконияти. Ҳар бир киши жамоада ўз ўрни ва ролини англаши учун шароитларни шакллантириш.

Мафкуравий таъсир кўрсатиш усуллари (техникалар, дастурий, норматив усуллар, воситалар ва бошқалар) бу функцияларнинг бажарилиши ва мақсадга эришишини аниқ белгилаб берадиган воситалардир. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ғояларни таклиф қилиш (ташвиқот, ишонтириш, тушунтириш ва бошқалар);

- муайян ғояларни идрок этиш (риоя қилиш) учун ташкилий мажбурлаш, рағбатлантириш ва чеклашлар, жазолар ва мукофотлар тизими;

- кадрларни танлаш, мафкуравий мезонлар асосида ходимларни ёллаш, ишдан бўшатиш ва карьерасини белгилаш, бошқа жойга кўчириш;

- кадрларни танлаш, улар билан ишлаш (таълим орқали барқарор мафкуравий ғояларни ишлаб чиқиш);

- шахсий ривожланиш учун шарт-шароитларни яратиш.

Шундай қилиб биз мафкуравий таъсир усуллари тизимини қоида тариқасида ҳар бир жамоа учун зарур деган хулосага келишимиз мумкин. Усулларни танлаш кўп жиҳатдан жамоанинг ўзига хос хусусияти ва вазияти билан белгиланади. Шу билан бирга, уларни қўллаш ушбу тузилишдаги бошқарув услуби ва хусусиятларига мос бўлиши, жамоанинг рад этилишига сабаб бўлмаслиги, бошқа ташкилий жараёнларни амалга ошириш учун шароит ва имкониятларни бузмаслиги керак.

Жамоа мафкураси элементлари:

- жамоа миссияси;
- жамоа бошқаруви;
- жамоа фалсафаси;
- ахлокий кодекс.

Жамоанинг мафкуравий шиорлари:

- бизнинг ташкилот ўз жабҳасида етакчи;
- биз бажараётган иш жамият учун фойдали;
- жамоамизда фаолият юритаётган ходимлар бетакдор;

- бизнинг жамоа ҳар бир ходими учун қайғуради;

- жамоамизнинг ютуғи ҳар бир ходимга боғлиқ;

- жамоамиз – бу бир катта оила.

Жамоанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган қоидалар:

- аризангни ёз;
- бошинг кетади;

- каматаман;
- пуштингни куритаман;
- ишдан кетасан;
- йўқ қиламан;
- кечаю-кундуз ишлайсан;
- киссангдан тўлайсан.

Ушбу оддий сўзлар ойлик оширилиши ёхуд моддий рағбатлардан кам бўлмаган ҳолатда ходимларни фаол меҳнат қилишга ундайди, жамоани маълум мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Улар ўзларини умумий ишларга дахлдор, аҳамиятли, керакли шахс сифатида ҳис қиладилар. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай муҳитда ишга масъулиятсизлик ёки уни ташлаб кетиш каби ҳолатларга ходимлар психологик жиҳатдан тайёр бўлмайди. Улар ўзларини шу катта оиланинг бир қисми сифатида тасаввур қиладилар.

Яна бир ижобий жиҳати, меҳнат самардорлиги ва натижадорлик анча юқори бўлади. Шу жиҳатдан ҳам корпоратив мафкуравий ишни ташкил қилиш иқтисодий жиҳатдан ҳам, ходимларнинг инновацион ёндашувини ташкил қилишда ҳам самарали усули бўлиб ҳисобланади. Айниқса, компания учун инқирозий вазиятларни бошқаришда жамоани сафарбар қилишда, имтиёзлардан маҳрум бўлиш ҳолатларида меҳнат унумдорлигини сақлаб қолади. Шунинг учун мафкуравий иммунитет олдиндан ходимлар онги ва шуурига сингдирилиб борилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, жамоада бошқарув мафкурасининг мавжудлиги шу жамоанинг ривожланишига, ходимларнинг ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилишига туртки бўлади.

Ў. ШАКАРОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом Академияси катта ўқитувчиси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 22 декабрь.

² http://fikir.uz/blog/Fikr_goya_va_marifat/mafкура-nima.html.

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Суд экспертизаси — фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишида иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат.

**«Суд экспертизаси тўғрисида»ги
Қонуннинг 3-моддаси**

Маълумки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Шу боис, амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар шароитида экспертиза муассасаларининг, хусусан экспертларнинг вазифалари нафақат содир этилган жиноятларнинг фош этилишида, балки дастлабки тергов босқичида ҳам, ишларнинг жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича судларда ёхуд иқтисодий судларда кўриб чиқишида ҳам шахснинг айбдор ёки айбсизлигини исботлашда, яъни инсон тақдирини ҳал қилиш жараёнида мураккаблашади.

Шундай экан, ҳар қандай процессда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш муаммоси алоҳида ўрин тутади.

Ҳозирги даврда жамиятнинг махсус билимлардан дастлабки тергов ва суд жараён-

лари доирасида ёки ундан ташқарида фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсиши суд экспертизаси хизматларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустақил ва энг истиқболли механизми сифатида кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январда қабул қилинган «Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сонли Қарорига мувофиқ, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва уларга айрим турдаги экспертизаларни ўтказиш учун рухсат берилиши суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг давоми ва экспертиза институтининг ролини кучайтиришга қаратилган саъйи ҳаракат ҳамда фуқароларимиз учун муқобил экспертиза ўтказишни танлашга яратилган имконият ҳисобланади.

Республикамызда мавжуд экспертиза муассасалари тизими фаолиятининг асосий мақсади объектив, илмий асосланган экспертиза тадқиқотларини ўтказишдан иборатдир.

Статистик маълумотлар давлат экспертиза муассасалари томонидан ўтказилаётган экспертизалар сони ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Аммо, давлат экспертиза муассасаларидаги давлат суд экспертларининг штат бирликларининг чекланганлиги ўз-ўзидан мавжуд экспертларнинг иш ҳажмлари ошиб кетишига, белгиланган меъёрдан ортиқча иш ҳажмида тадқиқот ўтказилишига сабаб бўлиб, пировард натижада берилаётган эксперт хулосаларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли, республикамызда давлат суд-экспертиза муассасаларининг муқобил шакли сифатида нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, уларга айрим экспертиза турлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ваколатини бериш бугунги кундаги ҳаётий зарурат ҳисобланади ва мамлакат раҳбарининг юқорида қайд этилган Қарори ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган дастлабки ҳуқуқий асос бўлди.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил қилишга бўлган зарурат нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, шунингдек мавжудларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 24 мартдаги 180-сонли қарори билан «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом, «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш, малакаси ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом ва «Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат ололган шахсларнинг ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Бироқ, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини тўлиқ тартибга солиш бўйича барча масалаларни қамраб олиш учун бу ҳали етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолияти нафақат қонуности ҳужжатлари, балки қонун даражасида ҳам тартибга солиниши, бинобарин амалдаги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг назарда тутилмаганлиги ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари институти жорий этилиши муносабати билан ушбу қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ходимлари томонидан қайд этилган Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган ва белгиланган Регламентга кўра, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Лойиҳага мувофиқ, Қонунни янги «Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти» номли 121-модда билан тўлдириш, унда нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг тушунчаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фаолиятига қўйиладиган мажбурий талаблар, нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг штат бирлиги ва раҳбари фаолиятига оид шартларнинг белгилаш; нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари сингари функцияларни амалга ошириши, ҳуқуққа эга бўлиши, мажбуриятларни бажариши ва жавобгар бўлиши каби жиҳатлар белгиланишини назарда тутиш тақлиф қилинмоқда.

Шунингдек, Қонун лойиҳасида нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан суд экспертизасини амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида суд эксперти сертификати тушунчаси берилмоқда.

Бундан ташқари, Қонунга «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг афилланган шахслари» номли янги 161-моддани кириштириш назарда тутилган. Мазкур моддага кўра, суд экспертизаси ўтказиш учун келиб тушган иш бўйича томонларнинг бирортасига нисбатан афилланган шахс бўлган нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг суд экспертига ушбу иш бўйича суд экспертизасини ўтказиш тақиқланиши белгиланмоқда.

Иш бўйича иштирок этаётган томонларнинг афилланган шахси деб қуйидагиларни белгилаш таклиф этилмоқда:

нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг мулкдори, таъсисчиси, кузатув кенгаши, ижро органи аъзоси, кредитор, суғурталовчиси;

устав жамғармаси (устав капитали)да нодавлат суд экспертизаси ташкилотининг ёки нодавлат суд экспертизаси ташкилоти суд экспертизасининг улуши бўлган юридик шахс;

мазкур моддада кўрсатилган шахслар билан яқин қариндош бўлган шахслар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сонли Қарорига асосан, Қонун лойиҳасида суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилган суд экспертизаси хулосасига қўшилмаган тақдирда, қайта суд экспертизаси фақат давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан ўтказилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг ушбу қонидаси билан биргаликда давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилган суд экспертизаси хулосаси бўйича қўшимча ва қайта суд-экспертизаси, шу жумладан комиссиявий ва комплекс суд экспертизалари нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилиши мумкинлиги назар-

да тутилмоқда. Бу эса, суд экспертизасини ўтказишда томонлар учун муқобил суд-экспертиза ташкилотларига мурожаат қилиш имкониятини яратибгина қолмасдан, балки нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ҳамда давлат суд-экспертиза муассасалари ўртасидаги соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жамиятда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий қонунчиликни такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини янада ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этишда нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ҳам муҳим ўрин тутати.

Шу сабабли, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, унинг фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, қолаверса, улар томонидан берилган хулосалар учун ташкилот ва экспертларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб беришга оид қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

У. ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Х.Сулаймонова
номидаги Республика
суд экспертизаси маркази
Суд экспертларининг
малакасини ошириш
ўқув маркази мудири

Тузатиш

Журналнинг 2020 йил 4-сони муқовасининг иккинчи бетига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг номи қуйидагича ўқилсин: «Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида».

ҚОТИЛНИНГ ИҚРОРИ

(Хаётий ҳикоя)

Ётган жойи – сим кроватда у ён-бу ёнига ағдарилган Қаршибой кўрган тушидан дод деб юборай деди, лекин хонадошларини безовта қилса, улар тинч қўймаслигидан кўрқиб, бошини адёлга ўраб, «имм» деб, иложсиз лабини қаттиқ тишлади.

Мана, бир неча кундан буён тергов ҳибсхонасида ётган Қаршибой қачон кўзини юмса, тушида хотинининг биринчи турмушидан бўлган саккиз ойлик чақалоғи – ўғай ўғли аввал катталардай кўзини лўқ қилиб, ўзига тикилиб туради, кейин узлуксиз йиғлай бошлайди, йиғлаган сайин овози ҳам тобора кучайиб бораверади...

Ухлаш ва айнан бир тушнинг такрорланиши, тушидаги бола йиғисидан Қаршибой кўз юмишга ҳам кўрқиб қолди.

Илк бор ўзига: «мен кимман ўзи, нима қилиб қўйдим», деб савол берар бўлди...

Хаёли узоқ ўтмишга етаклади. Келин-ойиси билан ҳазиллашган укасига «нега хотинимга гап отдинг», деб туриб олганини, укасининг бир оғиз «боринг-э», деган гапидан жаҳл отига миниб, пичоқлаб қўйганини, укаси ўлими олдидан «эх, ака-я, эссиз...», деб маъюс тикилиб, жон бергандаги кўз қарашини қайта ҳис этиб, «имм», деб юборди.

Суд тайинлаган жазони ўтаб, уйига қайтди, азобидан қутула олмади. Уйига қайтгач, энди ҳеч нарса аввалгидек бўлмаслигини тушунди, ҳатто аввалги ота-болалик, она-болалик муносабатлари ҳам қайтмаслигини билди. Қизғаниб, укасини ўлдиришига сабаб бўлган хотини ҳам ал-

лақачон бошқа турмуш қуриб, бола-чақали бўлиб кетган...

Халиям ота ота экан, ёнига ўтқазиб, «Энди ҳушингни йиғ, эл қатори тинч яша», деб насихат қилган бўлди. Кейинчалик, сўраб-суриштириб, кўшни қишлоқлик эридан ажрашган аёлни топишди ва бир оғиз ўғлидан «Нима дейсан, бошингни икки қилиб қўйсак, қийналган аёл экан», деган бўлишди.

Қаршибойнинг «менга фарқи йўқ, ўзларинг биласизлар», деган қабилидаги гапидан кейин, бир вақтлар «укангни уйлантирсак, кўчиб ўтасизлар», деб ўзига атаб олинган уйни наридан-бери таъмирлаб, келин – Барчинойни боласи билан олиб келишди, мулла никоҳ ўқиди, маҳалладаги оқсоқоллар ошни еб, «яхши яшанглар, ўзларингдан кўпайинглар», деб дуо қилиб чиқиб кетишди.

Шу-шу Қаршибой Барчиной билан яшаб юрди. Барчинойнинг биринчи турмушидан бўлган ўғлини кўриб-кўрмагандай, йиғлар бўлса, уини ўчир, йўқот, деб юрди.

Қаршибой сўнг нима бўлди, деб ўйлаб турганида, хона эшиги овоз бериб, очилди. Ички ишлар ходимининг «Болтаев, терговга», деган буйруғини эшитиб, ўрнидан туриб, эшикка йўналди. То терговчининг хонасига етиб боргунларига қадар, тушидаги гўдак йиғиси хаёлида такрорланиб борган Қаршибой бу азобдан қутулишнинг бирдан-бир йўли – ҳақиқатни гапириб бериш керак, деб ўйлаб айбига иқроп бўлишга қарор қилди.

Хизмат хонасида ўйчан ўтирган терговчига қараб, «Мен пушаймонман, айбимга иқрорман», деди. Терговчининг «Марҳамат, ўтириб олиб, ўзи нима бўлганини гапиринг-чи», деган гапидан кейин Қаршибой тилга кирди; «Олдин берган кўрғазмам, яъни хотиним боласини йиқитиб қўйиб, менга тухмат қияпти, деган гапим нотўғри. Аслида, хотиним бир кун олдин, касал боласини олиб отасиникига кетган эди. Мен кечки пайт кўчага чиқиб, бир шиша ароқ олиб келиб, ичиб маст бўлиб ухладим. Қанча ухладим, билмайман, бола йиғисидан уйғониб кетдим ва қарасам, чакалоқ бешикда йиғлаётган экан. Хотинимни чақирдим, ҳовлига чиқиб қарадим – йўқ. Сўнг, кўниб қолар деб бешикдан ечиб олиб, ерга ётқизиб қўйдим. Шунда ҳам у тинмай йиғлайверди. Устига катта кўрпани ёпиб қўйдим, барибир йиғиси эшити-

лаверди. Шунда асабим ўйнаб, унинг бош қисмига икки марта тепдим. Яна йиғи овози эшитилавергач, овозини ўчириш учун бошига муштлаб урдим ва унинг рангги ўзгара бошлаганини кўриб ташқарига чиқдим. Шу пайт хотиним келиб қолди, у ота ҳовлимизга бориб, тандирда нон ёпиб келган экан, хотиним боласини қўлига олиб, уни эмизмоқчи бўлди, лекин у эмади. У, болани нима қилдингиз, деганида унга ўғлинг ўзи ўйнаб шундай бўлиб қолди, деб айтдим. Кейин бола нобуд бўлди. Қариндошлар йиғилиб, уни кўмиб келдик, бор гап шу. Мен шу болани ўлдирдим, мен қотилман... мени жазоланглар... мен... мен қийналиб кетдим».

Х. ЁДГОРОВ,
Олий суд раиси ўринбосари

* * *

Кеча кундузнинг ҳам зидди, ҳам ёрдамчиси ҳисобланади. Чунки, кеча доимий бўлсайди, ҳеч қандай иш майдонга келмасди. Ҳар замон кундуз бўлиши ҳам, ўз навбатида, инсон аъзоларини ишдан чиқаради. Чунки, кечаси истироҳат қилмасдан, кундузи сарфлаш мумкин эмас.

* * *

Кўрсатгин-чи, дунёда қай бир нарса нуқул ёмондирки, унда яхшилик бўлмасин ва қайси нарса фақат яхшидирки, унда ёмонлик бўлмасин?

* * *

Сен ерда бўлганларга марҳамат қилгинки, кўкда бўлганлар сенга марҳамат қинсинлар. Сендан қуйида бўлганга жонинг ачинсинки, сендан юқорида бўлганларнинг ҳам сенга жони ачисин.

* * *

Илоҳийнинг энг буюк асари кўнгилдир.

* * *

«Иймон недир?» – дея ақлимдан сўрадим. У қалб қулоғига эгилиб: «Иймон одобдан иборатдир», – дея шивирлади.

Жалолиддин РУМИЙ